Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 133 (13.395)
14 июнь 1966 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Тошкент область, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати ўртоқ Мустафо Чачи бошлиқ 3-бўлим пахтакорлари ғўза парваришини кун сайин кучайтирмоқдалар. Бўлимнинг барча майдонларидаги ғўзалари 3-комплекс парвариш қилинмоқда. Биринчи суратда Мустафо Чачи ва комплекс звено бошлиғи М. Фозилов ўртоқлар ғўзаларни кўздан кечираётганлиги тасвирланган. А. Тўраев фотоси.

● ●

Учқўрғон район ғаллакорлари ғалла ўрим-йиғимини кенг кўламда бошлаб юбордилар. Ғалласи ўрилган майдонлар пешма-пеш ҳайдалиб кетилмоқда. Иккинчи суратда «Москва» колхозида ғалла ўрим-йиғими пайти.

Е. Корниенко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Фото лавҳалар



БУЮК БИРЛИК НАМОЙИШИ

Нур шалоласила ёришган тонг халқ тўлқини билан уйғонди. Зарҳал сеп ёзган шу тонг шодлик, меҳнат, жипслик, эркинлик, қардошлик қўшиқларини куйлади. Утган куни сайлов қутиси ёнига борган, фахр ва ғурур билан муборак бюллетенни шу қутига ташлаган ҳар бир кишининг қалбида истиқболга ишонч, замондошларимизга хос юксак онглилик, ленинча партияга, социалистик Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат туйғулари мавж урди. Ун иккинчи июнимизнинг бизларга умрбод эсдалик учун қолдирган ноёб ёдгорлиги бу!

Бу сафарги сайловнинг энг характерли хусусияти шу бўлдики, у бутун совет халқи КПСС XXIII съездининг коммунизм янги марраларини эгаллашга қарата мамлакатимиз тақдирини кўзлаб чизиб берган улуғвор режаларини амалга ошириш учун буюк яратувчилик ишларни авж олдириб юборган бир вазиятда ўтди. Съезд руҳи, унинг совет халқи истиқболини ёритиб турган ғоялари шу сайловда коммунистлар билан партиясизлар муқаддас бирлигини янада монолит жипслаштирди. Сайловчиларда сиёсий активлик, ўз бурчларини бажо келтиришга онгли муносабатда бўлиш нақадар юксалганлиги уларнинг овоз беришда кўрсатган бирдамлигида айниқса ёрқин намоён бўлди.

Советлар диёрининг ҳамма ерида — Узоқ Чукоткадан Болтиқ бўйларигача, қора тупроқ воҳаларидан тундра музликларигача, азиз Москвадан қуёш ўлкаси Ўзбекистонгача, ҳар қатра тупроғи барчамиз учун энг азиз, энг мўътабар бўлган Совет Ватанимизнинг ҳамма ерида бирдамлик вазияти ҳукм сурди. Кундуз соат ўн иккиларда Совет Иттифоқининг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида сайловчиларнинг 81.6 проценти, кечга томон — соат олтида 98,92 проценти, шу жумладан Ўзбекистонда 99,51 проценти овоз бериб бўлди.

Бу рақамлар коммунистлар билан партиясизлар иттифоқининг, партия билан халқ бирлигининг, коммунистлар билан меҳнаткаш омма мустаҳкам алоқасининг енгилмас ҳаётий кучга эга эканлигини бутун жаҳонга яна бир бор намойиш қилиб кўрсатди. Улуғ Октябрнинг зафарли кунларида, гражданлар урушининг оловли йилларида, мамлакатни индустрлаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш учун олиб борилган курилиш, юксалиш кезларида, фашизм устидан ғалаба қозониш учун қутлуғ қон тўкилган жангу-жадалларда ва ниҳоят мамлакатимизда коммунизм жамияти барпо этиш йўлида авж олдириб юборилган яратувчилик ишларида шу блок тобланди, моддий, маънавий, сиёсий кучга айланди.

Инсон ҳуқуқларини улуғлаган, унинг инсоний иззатини, ҳурматини қадрлаган, эркинлик, озодлик принципларини ўзида мужассам эттирган социалистик демократия мақтанчоқ буржуа демократиясидан қанчалик афзал ва бениҳоя устунликларга эга эканлиги, бизнинг демократиямиз чинакам халқчил демократия эканлиги шу сайловларда яна ва яна тантана қилди.

Уз ҳуқуқ ва бурчларини яхши англаган совет кишилари сайлов участкаларига келиб, номзодлар учун шунчаки овоз бериб кета қолганлари йўқ. Ҳар қайси сайлов участкасида эрта тонгдан кечгача халқ сайиллари, қизғин суҳбатлар, ўзаро мусоҳабалар бўлиб ўтди. Овоз бериш олдидан вужудга келган ҳаяжон айниқса жозибали эди. Қанчадан-қанча сайловчилар ўзларининг улуғ гражданлик бурчларини бажаришга киришар эканлар, улар ўзларининг энг яхши ҳис-туйғуларини, ўй-ҳавасларини, орзу-истакларини қисқа бўлса ҳам, чуқур маъноли иборааларда баён этиб бердилар. Жумладан, Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи ёнида жойлашган сайлов участкасида овоз беришдан олдин сайловчиларнинг юрак сўзлари жаранглаб эшитилди. Шу заводнинг ишчиси Пётр Меркуловнинг қуйидаги сўзларидан миллионларнинг фикр-туйғуларини билиб олиш мумкин эди:

— Мен эски сайловларни ҳам кўрганман. Биз, ишчилар қўл кучи билан тозаланган пахталарни бойлар қадоқ қўлли меҳнаткашларнинг қўли билан ясалган темир йўллар орқали Москвага таширттириб, текин келган фойда ҳисобига бой бўлардилар, ўзларига кошоналар солардилар, ноз-неъмат, айш-ишрат, май-маҳбуба билан умр кечирардилар. Сув келтирган хору-зору, кўза синдирганлар азиз эди у даврда. Сайловга биз каби кишилар яқин йўлатилмас эди. Ҳозир бутунлай бошқача. Меҳнаткаш халқ ўз қадоқ қўллари билан бунёд этаётган барча ноз-неъматларнинг ҳақиқий эгасидир.

Қорақалпоқ элининг меҳнатда тобланган, қирқ йилдирки қанчадан-қанча қасрлар пойдеворига бетон ётқизган Т. Кенжегулов, Фарғона жамолини ойдин пахта нури билан ёритган, ўз қадр-иззатини шу пахта туфайли улуғлаган колхозчи Деҳқонбой ота Ҳусаинов, Амударё жилосини янги йўллардан элтаётган теплоход механиги Р. Матёқубов, шавкатли меҳнат дарғаси, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров ва бошқа шунга ўхшаш минг-минглаб кишиларнинг сайлов участкаларида изҳор этган фикрлари халқ қалбига, партия қалбига пайванддир.

Сайлов руҳи, шу сайловда эришилган буюк ғалаба социалистик давлатимизни янада мустаҳкамлаш, социалистик демократияни тағин ҳам ривожлантириш ва давлатни бошқаришда халқ оммасининг бевосита иштирокини янада кучайтиришда жуда катта аҳамиятга эгадир. Давлат аппарати омманинг ўзи томонидан идора этилиши совет демократиясининг улкан ютуғидир. Шу билан бирга кенг меҳнаткашлар оммасининг онги, ишчанлик қобилияти, маҳорати ўса борган сари уларнинг давлат аппаратини бошқаришдаги активлиги ҳам шунчалик ўсаверади.

Биз сайловга якун ясар эканмиз, шу сайлов кампанияси даврида тўпланган тажрибаларни муқаддас сақлашимиз, оммада вужудга келган меҳнат активлигини, сиёсий ўсишни янада кучайтиришимиз, КПСС XXIII съезди белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун умумхалқ мусобақасини авж олдиришимиз зарур.

Сайлов кампанияси сиёсий-хўжалик ва идеология ишларимизнинг ҳамма соҳаларида янги кўтарилишни вужудга келтирди. Бу даврда пропаганда-агитациянинг янада такомиллашган таъсирчан формалари вужудга келди. Энг муҳими — партия ғоявий курашчиларининг сафларига минг-минглаб янги кишилар — пропагандистлар, лекторлар, агитаторлар, сиёсий докладчилар келиб қўшилди. Партия ташкилотларининг вазифаси бу кучларни авайлаб тарбиялашдан, уларнинг маҳоратини ўстиришдан, сайлов даврида идеология ишларида тўпланган тажрибаларни умумлаштириш ва кенг ёйишдан иборат.

КПСС XXIII съезди Ватанимиз олдида, кўп миллатли совет халқлари олдида янги истиқболлар очиб бермоқда. Бу истиқбол эзгу орзу — коммунизм нурафшон манзилларини ҳар биримизнинг кўз олдимизда намоён қилмоқда. Уз жонажон партияси теварагида маҳкам жипслашган совет халқи партия белгилаб берган йўлдан шахдам одимлаб бормоқда. Бизнинг халқимиз коммунистлар билан партиясизлар блокининг улуғвор кучини намойиш қилган ҳолда партия XXIII съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошира бориб, ўз кучлари, яратувчилик меҳнатлари нималарга қодир эканлигини бутун жаҳон олдида яна тантанавор кўрсата беради.

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ ТАНТАНАСИ

12 июнь кечқурун Москвада, Союзлар уйида еттинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий Сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг раиси В. В. Гришиннинг мамлакатда овоз бериш қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахбороти тингланди.

СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга мувофиқ, бутун Совет Иттифоқи территориясида СССР Олий Советига сайлов маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 да бошланди. Овоз бериш сайлов қонунига тўла мувофиқ равишда уюшқоқлик билан ўтди. Сайлов тўғрисидаги Низом бузилганлиги тўғрисида Марказий сайлов комиссиясига ҳеч қандай шикоят тушгани йўқ.

Еттинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссиясида

12 июнь кундуз соат 12 га қадар сайловчиларнинг 81,60 проценти сайлов участкаларига келишди, кечқурун соат 6 га қадар эса, сайловчиларнинг 98,92 проценти сайлов участкаларига келиб бўлди. Кечқурун соат 6 га қадар иттифоқдош республикаларда овоз беришда қатнашган сайловчилар проценти қуйидагича бўлди: РСФСРда— 98,61 процент, Украина ССРда 99,76 процент, Белоруссия ССРда 99,32 процент, Ўзбекистон ССРда 99,51 процент, Қозоғистон ССРда — 99,12 процент, Грузия ССРда 99,29 процент, Озарбайжон ССРда 98,57 процент, Литва ССРда — 98,61 процент, Молдавия ССРда — 99,47 процент, Латвия ССРда 98,35 процент, Қирғизистон ССРда — 98,87 процент, Тожикистон ССРда — 97,46 процент, Арманистон ССРда — 96,79 процент, Туркманистон ССРда 97,78 процент ва Эстония ССРда — 96,8[illegible] процент.

Округ сайлов комиссияларидан олинган хабарлар ССС[Р] Олий Советига сайлов ҳамма жойда меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва уюшқоқлиги юксак даражага кўтарилган вазиятда ўтганлигини кўрсатиб турибди. Сайлов куни совет халқи Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагида ўзининг маҳкам жипслашганлигини яна бир марта намойиш қилди.

(ТАСС).

ҲАММА — ДАЛАГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ТАДБИРЛАРИ

Хоразмликлар изидан

Мўл ҳосил тақдири ҳал қилинаётган долзарб кунларда Хоразм область пахтакорлари республиканинг барча колхозчиларига, механизаторларига, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассисларига, ҳамма меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни жанговар фронтга якдил бўлиб отланишга, ҳар бир туп ғўзани меҳр-муҳаббат билан парвариш қилишга даъват этдилар. Дарҳақиқат, бу йилги оғир шароит ана шуни талаб қилиб қолди. Баҳорнинг иккинчи ярмида юз берган табиат инжиқликлари пахтакорларнинг ташвишини орттириб юборди, бир иш икки бўлди.

Тўғри, республикамизнинг кўпчилик хўжаликларида бўлгани каби совхозимизда ҳам чигит экиш ва уруғни ундириб олиш билан боғлиқ бўлган дастлабки ишлар силлиқ ўтди. Чигит 8 иш кунида экиб олинди, экиш апрелнинг биринчи ўн кунлигида тугалланди. Бу йил биринчи марта энг катта майдонга, 4042 гектар ернинг 2200 гектарига туксизлантирилган чигит уруғи уяларга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялкалар билан экилди. Кузда шудгор қилинган далалар баҳорда қайта ҳайдалмади, балки шудгор чуқур юмшатилди. Бу билан совхозимиз коллективи икки томонлама ютди: шудгорни бороналаш, чизеллаш ва молалаш йўли билан тупроқда нам етарли сақлаб қолинди, иккинчидан, бегона ўт илдизи билан кўпориб ташланди. Бу — чигитни тупроқнинг ўз намига қисқа вақт ичида қийғос ундириб олиш ва кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш имкониятини берди.

Ғўза қатор ораларини дастлабки ишлаш ўтган йиллардагидан анча илгари ва энг қулай муддатларда бошлаб юборилди. Лекин шундан кейин ҳавонинг пасайиб кетганлиги ва уст-устига ёмғир ёққанлиги натижасида ёш ниҳоллар ривожланишдан тўхтаб қолди. Парвариш заррача бўшаштирилмаган, қатқалоқ ўз вақтида яхшилаб юмшатиб борилган бўлишига қарамай, ёш ғўза анча вақтгача қаддини ростлаб ололмади, барг чиқариши кечикди.

Бунинг устига, қиш иссиқ келиб, ўрмаловчи, сўрувчи, кемирувчи қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва ўсимлик касалликларининг кўпайиши учун қулай шароит яратди. Ҳавонинг пасайиб кетганлиги ва ёғингарчиликнинг кўп бўлганлиги оқибатида ҳашарот тез жонланди ва катта майдонларга тарқалди. Ёш ниҳолларни бу офатдан тўла сақлаб қолиш учун шошилинч чораларни амалга оширишга тўғри келди. Совхозимиз меҳнаткашларининг бир ёқадан бош чиқариб, астойдил ишлаганликлари туфайли зараркунандалар тез кунда битта қўймай қириб ташланди. Ҳамма майдонлар икки марта метилмеркаптофос билан чангланди. Бу дориворни сепишда самолётлардан фойдаланилди.

Ўсимликнинг тез ривожланишини ва баргларнинг кўпайишини, ғўзанинг томир ёйиб ўсишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бошқа агротехника тадбирлари ҳам кун сайин кучайтирилди. Хоразмликларнинг «ҳамма жанговар фронтга, ғўза парваришига» деган чақириғига кўра совхозимиздаги ишга яроқли барча кучнинг 85 процентига яқини дала ишларига сафарбар этилди. Кимнинг қайси иш билан шуғулланиши кераклиги конкрет кўрсатиб берилди. Кунига қанча майдондаги ғўзани кўндалангига ишлаш, қанча ердаги экин қатор ораларини узунасига культивация қилиш, озиқлантириш, суғориш зарурлиги ҳар қайси бўлим ва бригаданинг шароити ҳисобга олинган ҳолда табақалаштирилди. Ҳар бир бўлим ва бригада шу асосда беш кунлик график тузиб олди.

Ҳозир совхозимизда ғўза парвариши ана шу графикка мувофиқ олиб борилаётир. Экин қатор ораларини юмшатиш, суғориш, озиқлантириш, бегона ўтларга қарши кураш ва бошқа агротехника тадбирлари бир-бирига боғлаб ўтказилмоқда. Шу кунларда далаларимизда 80 тагача чопиқ трактори унумли ишлаб турибди. Уларнинг қувватидан тўла фойдаланилаётганлиги туфайли ҳар куни нормадаги 400 гектар ўрнига 430-440 гектар майдондаги ғўза қатор оралари икки томонлама культивация қилиняпти. Ҳозиргача ғўза икки марта узунасига ва кўндалангига ишланди. Культиваторларнинг барча иш органларидан фойдаланилмоқда. Эскирган ва шикастланган иш органлари ўз вақтида алмаштириб турилибди. Бу эса ғўза қатор ораларини мумкин қадар чуқурроқ юмшатиш ва кенг олиб ишлаш имкониятини бермоқда. Шу сабабли тупроқда нам тўла ва узоқ сақлаб қолинмоқда.

Айниқса бундан кейин ғўзани қондириб суғориш ўсимликнинг тез ривожланишини ва ҳосилдор бўлиб ўсишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шуни ҳисобга олиб бизда ғўзани суғоришга алоҳида эътибор берилаётир. Шу кеча-кундузда 175-180 киши экинга сув тараяпти. Субчиларнинг ҳаммаси ўз ишини яхши биладиган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган кишилардир Лекин уларнинг ҳам ўз машъаллари бор. Х Тўлибоев. У Хўжамқулов. Н Ўразбоев. А. Мамутов, Р Ҳамроқулов ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Улар кунлик суғориш нормасини ошириб бажариш, ғўзанинг чанқаган ва чанқамаганлигини ҳисобга олиб ишлаш билан ҳаммага донг таратганлар. Бошқа сувчилар уларнинг иш тажрибасини ўрганмоқдалар. Бу эса суғоришнинг тез ва сифатли ўтказилишига имкон беряпти. Совхозимизда ғўза бир марта қондириб суғорилди, иккинчи суғориш бошлаб юборилди.

Суғоришда ҳам суғориш бор. Ғўзани чанқатиб қўйиш ярамаганидек ортиқча суғориш ҳам зарарлидир. Сувни чала-чулла тараш ҳосилга путур етказиш, ўз-ўзини алдаш демакдир. Совхозимизда бундай камчиликларнинг содир бўлмаслиги учун ҳамма чоралар кўриляпти. Сувнинг тупроққа чуқур сингишига ва картанинг текис намланишига эришиш мақсадида дастлабки суғоришда эгатлар кенг ва 12-14 сантиметр чуқурликда олинди. Кейинги суғоришларда эгатларнинг чуқурлиги 16-18 сантиметрдан кам бўлмайди. Узунлиги эса ҳамма суғоришларда ҳам ернинг паст-баландлигига, тупроқнинг сув ўтказувчанлик қобилиятига, картанинг қиялигига қараб белгиланади. Суғориш кеча-кундуз ўтказиляпти. Сув ғўзага сифон, чим, най ва бошқа воситалар орқали жилдиратиб таралмоқда. Қияроқ карталарга сув оз миқдорда оқизилади, текис участкаларга кўпроқ миқдорда қўйилади. Сувнинг эгатларни босиб кетишига, ғўзани янчиб юборишига, карталарнинг бир ерига тегмай кетишига, иккинчи жойида кўллаб қолишига йўл қўйилмайди.

Минерал ва маҳаллий ўғит — тупроққа мадад дейдилар. Тупроқда озуқа етарли бўлса, ғўза намдан, иссиқлик ва ёруғликдан самарали фойдаланади, барг ҳаводаги азотни илдизга кўпроқ етказиб беради, оқибат натижада ўсимлик шохлаб ўсади ва тез ривожланади. Ана шуни назарда тутиб, биз тупроқни минерал ва маҳаллий ўғит аралашмасига тўйдиришга биринчи даражали иш деб қарамоқдамиз. Кузда шудгорлаш ва баҳорда тупроқни юмшатиш олдидан ўғитланмаган далалардаги ғўза биринчи навбатда озиқлантирилди. Ҳозирга қадар ғўзага икки марта озуқа берилди.

Хоразмликларнинг чақириғига мувофиқ июнни ғўза парваришида ҳал қилувчи ой деб эълон қилиш ва дала ишларини шунга мослаб ташкил этиш йўли билан биз табиат инжиқликларининг оқибатларини қисқа вақт ичида бартараф қилишга эришдик. Юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётган ва ардоқланаётган ғўзаларимиз тез ривожланяпти, ҳосилдор бўлиб ўсяпти. Ҳозир ҳамма майдондаги ғўза ёппасига шоналай бошлади. Июннинг сўнгги ўн кунлигида ғўзаларимизнинг текис гулга киришига эришамиз. Лекин бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Буни яхши тушунган совхозимиз пахтакорлари ғўза парваришини янада кучайтириш учун курашмоқдалар. Шу мақсадда июннинг қолган кунларида ва июлни мўл ҳосил тўплашда зарбдор ой деб эълон қилдилар. Шу мақсадда коллективимиз зиммаларига конкрет мажбурият олди.

Ана шу тадбирларга кўра бир ярим ой мобайнида ғўзани камида уч марта, ўсишдан орқада қолаётган майдондаги ғўзаларни эса тўрт марта парвариш қилишимиз керак. Далада ишловчилар сонини кўпайтириб, 1200 кишига етказамиз. Совхоз паркидаги 185 чопиқ тракторининг ҳаммасидан унумли фойдаланамиз. Ғўза туплари бир-бирига туташиб кетган пайтларда тракторларга тўсиқлар ўрнатиб ишлатилади. Культивация ва ўтоқ қилишнинг сифатига алоҳида эътибор берилади. Иш устидан назорат кун сайин кучайтирилади. Бўлим бошқарувчиларининг, бригада ва звено бошлиқларининг эгасизлантирилишига мутлақо йўл қўйилмайди. Уларнинг масъулиятини, далада ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириб борамиз.

Ҳаво ҳозирданоқ исиб кетди. Бундан кейин янада исиши кутилмоқда. Одатда бундай пайтларда ўсимлик, айниқса ғўза сувни кўпроқ талаб қилади. Ғўзанинг бу талабини тўла қондириш учун сувдан янада тежамлироқ фойдаланамиз. Суғоришни группа усулида ташкил этамиз: ҳар олти-саккиз сувчи бир группага бўлинади, унга бош сувчи бошчилик қилади. Қайси картани олдин суғориш, қайси далага сувни кейинроқ тараш, кимни тунги суғоришга қўйиш зарурлигини бош сувчи белгилайди. Бригада бошлиқлари улардан ишнинг сифатини текшириб олишади. Тупроқ етилиши билан ғўза қатор оралари икки томонлама ишланади. Ҳимоя зонаси 7-10 сантиметр қилиб олинади ва чуқур культивация қилинади. Бу билан тупроқнинг доим юмшоқ бўлишига, намнинг узоқ сақланишига, бегона ўтларнинг тўла йўқотилишига эришамиз.

Озиқлантиришни қизғин давом эттирамиз. Июнь ойи мобайнида ғўзани минерал ўғит билан озиқлантиришни тугаллаймиз. Ўсишдан орқада қолаётган далалардаги экинни 10 июлгача озиқлантирамиз. Шу кунгача йиллик нормадаги минерал ўғитнинг ҳаммасини ишлатиб бўламиз.

Совхоз ишчилари ўртасида партиявий-ташкилий ишларни янада кучайтирамиз. Дала шийпонларини оммавий-сиёсий ишларнинг чинакам марказига айлантирамиз.

Янги беш йилликнинг дастлабки босқичида олдимизда ҳар қачонгидан ҳам улуғвор вазифалар турганлигини сира унутмаймиз. Бу йил она-Ватанга гектаридан камида 35 центнердан пахта етказиб берамиз, деб мажбурият олган эканмиз, ҳар биримиз ана шу орзу-умид билан яшамоқдамиз, меҳнат қилмоқдамиз. Хоразмликлар мурожаатидаги ҳар бир сўз қалбимиздан кенг жой олган шу долзарб кунларда ғўза парвариши суръати ва сифатини тағин ҳам оширамиз.

Совхоз коллективи номидан:

З. МАҲСУМОВ — совхоз директори, Ҳ. ҒАФУРОВА — партия комитетининг секретари, В. ВАКУЛИН — бош агроном, М. ТОКОВ, М. ДИНАЕВ, И. АҲМЕДОВ, М. ЧАЧИ — бўлим бошқарувчилари.

ҚУВОНЧЛИ ТЕЛЕГРАММАЛАР

ЧОРВАДОРЛАР СОВҒАСИ

Узбекистон чорвадорлари СССР Олий Советига сайловлари шарафига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар, улар жун тайёрлаш ярим йиллик планини 10 июнда 104.7 процент бажардилар. Давлатга 117.3 минг центнердан ортиқ жун сотилди. Бу ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 25.3 минг центнер кўпдир.

Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё областлари баҳорги жун қирқишни энг қулай муддатларда ўтказиб, қўйлардан кўплаб жун қирқиб олдилар ва жун тайёрлаш ярим йиллик планини муддатдан илгари адо этдилар.

Тошкент области чорвадорлари жун тайёрлаш ярим йиллик планини 133,3 процент, Сирдарё области чорвадорлари 122,5 процент, Хоразм области чорвадорлари 113,6 процент бажардилар.

Давлатга жун сотиш давом этмоқда.

ЭКИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Республика колхозчилари ва совхозларининг ишчилари КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, баҳорги экинлар экиш планини 10 июнда ортиғи билан адо этдилар. Чигит, каноп, донли экинлар ва дон дуккакли экинлар (маккажўхоридан ташқари) ҳамда полиз экинлари экиш плани ошириб бажарилди. Шоли, маккажўхори, сабзавот ва бошқа экинлар ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан кўпроқ экилди.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мўл ҳосил етиштириб, беш йилликнинг дастлабки йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш мақсадида ғўза ва бошқа экинларни парвариш қилишни кучайтириб юбордилар.

ФИНЛЯНДИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ А. Н. КОСИГИН ХЕЛЬСИНКИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Финляндия Республикасининг президенти Урхо К. Кекконен таклифига биноан 12 июнда расмий визит билан Москвадан Хельсинкига жўнаб кетди. Унга СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва СССР ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири А. В. Захаров ҳамроҳлик қиладилар.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Ленинград вокзалида А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, Д. С. Полянский, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов ва бошқа расмий кишилар Совет ҳукумати бошлиғини узатиб қўйишди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўша куни Финляндияга келди.

(ТАСС).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси

❁ҒЎЗА ПАРВАРИШИ— ЗАРБДОР ФРОНТ!
❁ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ.
❁ХАЛҚ КОНТРОЛИ МАЗМУНЛИ ЁРИТИЛСИН
❁ТОЗАЛИК—САЛОМАТЛИК ГАРОВИ.

ПОСБОНЛАР

Пайариқ районидаги «Узбекистон» колхози назоратчилари ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳасига кўз-қулоқ бўлиб, камчиликларни ўз вақтида бартараф этмоқдалар.

Кунларнинг бирида колхоз сут-товар фермасида сигирлардан сут соғиб олиш камайиб кетганлиги ҳақида группага сигнал тушди. Назоратчилардан Н. Абдужалилов, Б. Мамасолиев ҳамда группа раиси Т. Дилмонов ўртоқлар фермага бориб, аҳвол билан батафсил танишдилар. Маълум бўлишича, ферма мудири К. Болибековнинг бепарволиги туфайли бу ерда меҳнат интизоми бузилган. Сут соғувчилар ҳам, мол боқувчилар ҳам ишга кечикиб келадилар. Сигирлар наридан-бери соғиб олинади. Халқ назоратчилари ҳисоб-китоб ишлари ҳам тизбўларчиликка ташлаб қўйилганини аниқладилар. Масалан, янги туғилган икки бузоқ ҳисобга олинмаган. Шунингдек, сигирларга озуқа бериш рационига риоя қилинмайди. Назоратчилар шундай камчиликларнинг нима сабабдан содир бўлганини анализ қилиб, камчиликларни тугатишга қаратилган йўл-йўриқлар кўрсатдилар. Чиндан ҳам фермада ишлар шундан кейин юришиб кетди, сутнинг баракаси ошди.

Шу кунларда колхоз назоратчилари далама-дала юриб, пахтакорларга маданий-маиший хизматни яхшилаш, ғўза парваришининг сифатли бўлиши учун курашмоқдалар. Шунинг учун ҳам колхоз правлениеси, партия ташкилоти, айниқса қишлоқ меҳнат аҳли улардан ғоят хурсанд.

В. КУЗНЕЦОВ.

Қарши районидаги «Нишон» совхозининг назоратчилари чорва маҳсулотларининг сифати учун курашмоқдалар. Уларнинг жонкуярлиги туфайли хўжалик бу йил қоракўл териларининг кўп қисмини аъло сортларга топширди. Суратда: халқ контроли группасининг аъзоси Шараф Мелиев (чапдан иккинчи) қоракўл териларининг сифатини кўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотоси.

БИР САФДА

Республикамиз пойтахтида юз берган табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан катта ишлар олиб борилялти. Тошкент меҳнаткашларига кўп миллатли мамлакатимизнинг барча халқлари ёрдам қўлини чўзмоқда. Мана шундай қизғин, масъулиятли дамларда халқ назоратчилари бекор тура олишармиди! Улар қурувчилар, архитекторлар, қардошларимиз билан бир сафда туриб, шаҳарда қурилиш-тиклаш ишларини амалга ошириш, бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни тугатиш учун курашмоқдалар. Штатсиз мухбиримиз Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг раиси М. Муллаев билан учрашиб, назоратчиларнинг зилзила оқибатларини тугатиш йўлида олиб бораётган курашлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди. Ўртоқ Муллаев қуйидагиларни айтди:

— Шу кунларда Тошкент шаҳрининг ҳамма назоратчилари, группа ва постларнинг жамоатчилари уй-жойларни тақсимлаш, ер участкаларини бўлиб бериш, айниқса қурилиш ишларини кучайтириш билан боғлиқ бўлган ишларда фаол қатнашмоқдалар. Лекин контролерларнинг фаолияти шу билангина чекланмайди. Улар пойтахт аҳолисига савдо ва медицина хизмати кўрсатиш, санитария-гигиена қоидаларига оғишмай амал қилиш устидан ҳам назоратни кучайтирмоқдалар. Шунингдек, миш-миш тарқатувчи айрим гапдонларни ҳам тартибга чақириб қўймоқдалар. Айниқса кенг уй-жойга эга бўлган хонадонларга янги оилаларни вақтинча жойлаштириш масаласи билан ҳам шуғулланишга тўғри келяпти. Масалан, назоратчилар томонидан Чилонзор районида 17 та квартира бўш эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, 70 та квартирага оилаларни зич жойлаштириш мумкин эканлиги маъқул топилди.

Район халқ контроли комитетлари ҳузурида зилзиладан зарар кўрган оилаларни жойлаштириш, уларга ордерлар тақсимлаш, чодир шаҳарчалари қуриш юзасидан иш олиб борувчи махсус комиссиялар тузилди. Шаҳарда янги бинолар қуриш, янги объектларни фойдаланишга тезроқ топшириш назоратчиларнинг диққат-марказида турибди. Назоратчиларнинг таклифи билан айрим объектларнинг қурилиши тезлаштирилди, уларнинг материаллар билан таъминланиши ҳам яхшиланди. Шуни айтиш керакки, айрим ташкилотларнинг айби билан баъзи объектларнинг қурилиши пайсалга солиняпти. Чунончи, «Гидропроект» институтининг Урта Осиё бўлими томонидан Прядильная кўчасида 12 квартирали уй ўтган йили битказилиши лозим эди. Лекин бу уй қурилиши ўлда-жўлда қолиб кетган. Тошкент учун оғир бўлган шу дамларда бепарволик кўрсатгани учун мазкур институт директорининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари Е. И. Биковга Фрунзе район халқ контроли комитети виговор эълон қилди.

Шаҳар саноат корхоналаридаги халқ контроли группа ҳамда постлари меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларига диққат билан қулоқ солиш соҳасида ўз фаолиятларини ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юбордилар. Шубҳасиз, шаҳар контролёрлари Тошкент жамолини аввалгидан ҳам гўзалроқ қилиш, уни янги типдаги дўстлик, гуллар шаҳрига айлантиришга ўзларининг улушларини қўшадилар.

Муросасизлар СИГНАЛИ

ҒИШТДАГИ РЕАКЦИЯ

Лабораториядаги колбада эмас, янги бино деворига қўйилган пишиқ ғишт ичида химиявий реакция бўлганини эшитганмисиз? Сиртдан қараганда бу нарса ҳақиқатан ҳам мўъжизага ўхшайди. Бироқ, бундай реакцияни ҳосил қилиш унчалик қийин эмас. Бунинг учун Қувасойдаги ғишт заводида тайёрланаётган «100» маркали ғиштдан бир донасини олиб, устига ва остига лой ёки коришма чаплаб бостириб қўйишнинг ўзи кифоя. Эртасига қарабсизки, ғишт орасидаги оҳак қолдиқлари «пишиллаб-вишиллаб», реакция бошланганини кўрасиз. Реакция таъсирида у хом ғиштдан ҳам тезроқ эрий бошлайди. Бу гапга газетхон унчалик ишонмаётганга ўхшайди. У ҳолда қуйидаги фактни келтирамиз.

Яқинда Фарғона сунъий тола заводи қурилишида бўлдик. Баландлиги 16,30 метр, узунасига 300, эни 240 метр келадиган бош корпус қурилишини кўриб ҳайратда қолдик. Бу бинони кўрган ҳар қандай киши ҳам қурувчилар ишига таҳсин ўқиши турган гап. Девори, устунларининг ҳаммаси темир-бетон конструкциялар билан тикланяпти. Фақат лифт минораси ва ошхона биноси қурилишида ғишт ишлатилган. Пишиқ ғишт ичидаги реакцияни худди шу жойда кўрдик.

Кечагина оқлаб қўйилган бино пардози шўрланган деворга ўхшаб кўчиб ётибди. Лифт минорасининг деворидаги ҳар уч ғиштдан биттаси дарз кетиб уваланган. Бўяш-пардозлаш ишларини қайтадан қилишга тўғри келяпти. Ахир бу лифт минораси билан ошхона биноси 10-20 эмас, 100 йиллаб туради-ку! Шунинг учун энг пишиқ ғиштдан қад кўтариши лозим-ку! Заводнинг қурилиш бўйича инженери Комилжон Турдиев бундай деди:

— Девор орасидаги реакция жуда қимматга тушяпти. Бу аҳвол фақат бизда эмас, ғишт заводининг шу маркадаги ғиштини ишлатаётган ҳамма қурилиш объектларида содир бўлмоқда. Қурилиш сифатини бузяпти...

Қувасой ғишт заводининг «100»-маркали ғиштни миллионлаб ишлаб чиқаришга рухсат берган мутахассислари, раҳбарлари бу муаммодан хабардормиканлар?

Бинокор ва қурувчилар бу саволга жавоб кутишади.

Б. МАҲМУДОВ,
Фарғона.

МУҲИМ МАСАЛА

КПСС Марказий Комитети май Пленумининг ерларни мелиорациялашни кенг ривожлантириш тўғрисида қабул қилган қарори экинлардан муттасил мўл ҳосил олишда Хоразм воҳаси учун ҳам ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир. Областда катта кўламда ирригация-мелиорация қурилишлари амалга оширилаяпти.

Хоразм область халқ контроли комитети ирригация-мелиорация иншоотлари қурилишида механизмлардан қандай фойдаланилаётганлигини текширишга қарор қилди. Барча қурилиш-монтаж бошқармаларида ер қазиш механизмларининг жойлаштирилиши ва улардан рационал фойдаланишнинг аҳволини кўздан кечириш, ҳамда бу ишда амалий ёрдам кўрсатиш учун бир группа штатсиз инспекторлар, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари объектларга жўнаб кетдилар.

Республикада хизмат кўрсатган ирригатор Жума Оташев бошлиқ группа Урганч қурилиш-монтаж бошқармасида бўлиб, ажратилган маблағ ва механизмлардан фойдаланишнинг боришини, гидромеханизаторларнинг турмуш шароитини текшириб, аниқланган камчиликларни тугатишда бошқарма раҳбарларига амалий ёрдам берди. Шунингдек, область халқ контроли комитетининг жамоатчилик асосида ташкил этилган қишлоқ хўжалик бўлими мудири, шахсий пенсионер Б. Давлатов бошчилик қилаётган халқ назоратчилари ҳам Питнак қурилиш-монтаж бошқармасида оператив иш олиб бориб, механизмлардан фойдаланишда юз берган нуқсонларни очиб ташладилар. Қурилишни тезлатиш юзасидан конкрет маслаҳатлар бердилар.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАШАББУСЛАР ВА ТАКАББУРЛАР

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ГРУППАЛАРИНИНГ ТАЖРИБАСИДАН

КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошириш йўлида Бухоро [рай]он пахтакорлари, чорвадорлари, боғбон ва пиллакорлари зўр [ғай]ратлик билан меҳнат қилаётирлар. Район хўжаликларининг меҳнаткашлари зиммаларига юксак мажбуриятлар олишган. Улар бу йил она-Ватанга 50 минг тонна пахта, 360 тонна пилла, 2170 тонна гўшт, 3682 тонна сут, 1780 минг дона тухум, 412 тонна жун ва жуда кўп миқдорда мева, узум ҳамда завот маҳсулотлари етказиб бердилар. Бу марралар шу кунлар[да] ҳаммани далага, меҳнатга чорлапти.

Район хўжаликларида ғўза парвариши қизитиб юборилди. Омилкор деҳқонлар, моҳир механизаторлар ғўза парваришида ҳам сифат, ҳам миқдор учун курашмоқдалар. Чорвадорлар, пиллакорлар ҳам давлатга юқори сифатли маҳсулот етказиб беришга киришиб, бошқа соҳалар бўйича ярим йиллик, йиллик планларни бажариб бердилар. Қўлга киритилган ғалабаларда ва эришилаётган зафарларда, шубҳасиз халқ назоратчиларининг роли каттадир.

КПСС XXIII съезди белгилаб берган тадбирлар асосида бу йил район халқ контролёрларининг ролини янада тағин ҳам оширилди. Уларнинг сафи жонкуяр, ишбилармон кишилар ҳисобига мустаҳкамланди.

Шу кунларда колхоз ва совхозлардаги халқ контроли группаларига бирлашган коммунистлар, комсомоллар, қишлоқ зиёлилари ва партиясиз активлар ҳамма ишларга кўз-қулоқ бўлиб турибдилар. Ойлардаги партия, совет ташкилотлари ишига яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Дарҳақиқат, халқ контроли группасининг аъзолари бевосита омма орасида, кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, уларни ижодий меҳнатга сафарбар қилишда ташаббус кўрсатмоқдалар.

Райондаги Охунбобоев, «Маданият», Навоий номли колхозлардаги халқ контроли группаларининг иши айниқса, ибратлидир. Чунончи, Охунбобоев номли колхоз назоратчилари ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Улар уч секцияга бирлашиб, иш олиб боришяпти. Колхоз бош агрономи Х. Манглиев қишлоқ хўжалик секциясига раҳбарлик қилса, инженер А. Рўзиев механизация секциясини бошқаради. Группа аъзолари далачилик бригадаларида тез-тез рейдлар ўтказиб, иш нормаларининг бажарилиши, меҳнат интизоми ва машина-механизмлардан дала ишларида қандай фойдаланилаётганлигини ўрганадилар. Яқинда агроном Халил Манглиев бошлиқ секция аъзолари рейд ўтказиб, колхознинг Ҳ. Ҳасанов, Ҳ. Шукуров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида болалар боғчаларининг аҳволи ёмон эканлигини аниқладилар. Мазкур бригадаларда ёш болали оналарнинг унумли ишлашлари учун зарур шароитлар яратилмаган. Бу бригадаларда яна шу нарса маълум бўлдики, дангасалар, ишёқмас бекорчилар сони кўпайиб кетган. Ҳатто баъзи кунлари эркаклар дала ишига бутунлай қатнашмаётирлар. Ҳамма ишлар аёллар гарданига юклаб қўйилган. Ана шу нуқсонлар халқ контроли группасининг аъзолари томонидан бартараф қилинди.

Колхоз инженери Араш Рўзиев бошлиқ механизация секциясининг ишидан ҳам кўпчилик хурсанд. Улар асосан хўжалик техникасини асраш ва ундан фойдаланишнинг аҳволини кузатиб боришади. Группа аъзолари кейинги ойларда машина-механизмларнинг кўпи эҳтиёт қисм йўқлигидан бекор туриб қолаётганлигини аниқладилар. Бу ҳақдаги ҳужжатлар, контролёрларнинг сигналлари жамланиб, колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг йиғилишида кўриб чиқилди. Шундан кейин колхоз правлениеси эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 200 минг сўм ажратди. Эндиликда хўжалик пахтазорларида 20 дан ортиқ чопиқ, 13 ҳайдов трактори тинимсиз ишлаб турибди.

— Биз механизаторларга айниқса жиддий эътибор берамиз,— дейди Охунбобоев номли колхоз халқ контроли группасининг раиси Эргаш Икромов. Масалан, 6-бригада табелчиси устидан тушган бир аризада, меҳнат нормасини белгилаш ва уни ҳисобга олишда хатоларга йўл қўяётгани кўрсатилган эди. Группа аъзолари аризани текширишганда фактлар тўғри эканлиги тасдиқланди. Табелчининг бепарволиги бутун бригадада меҳнат интизомининг бузилишига олиб келган. Камчилик бартараф этилди. Колхозимизнинг узоқ участкаларидан биридан тушган аризада меҳнаткашларга кино хизмати кўрсатиш ёмон аҳволда эканлиги таъкидланган эди. Ҳозир узоқ участкаларга кўчма кино юбориш графиги тузиб чиқилган.

Хўжалик деҳқонларининг мўл ҳосил учун курашида халқ контроли группаларининг хизмати катта бўлмоқда. «Халқ контроли амалда» деворий газетаси эса назоратчиларнинг фаолиятини кенг акс эттириб бораётир. Шунингдек, уларга амалий маслаҳатлар бериб турибди.

Афсуски, райондаги айрим хўжаликларда халқ контроли группаларининг фаолияти яхши эмас. «Москва», «Ленин йўли», Карл Маркс номли колхозларда аҳвол бутунлай ўзгача. Карл Маркс номли колхоз халқ контроли группасининг раиси Жўра Қодиров назоратчиларнинг фаолиятини изчил кузатмайди. Улар қайси бригада, фермада нима иш қилишаётганидан бехабар. Колхоз халқ контроли группасига сўнгги тўрт ой мобайнида 100 дан ортиқ сигнал тушган. Ж. Қодиров меҳнаткашларнинг ҳақли талабларини амалга ошириш, улар ўртага ташлаган масалаларни ҳал этишда фаолиятсизлик кўрсатяпти. У ўзи ҳал қилиши мумкин бўлган ариза ва шикоятларни колхоз правлениесига ҳавола қилаверган. Раис Теша Жабборов эса механизаторларнинг хатларига такаббурлик билан қарайди. Кўп ишларни оғзаки ҳал қилишга, енгил-елпи бажаришга интилади. Чунончи, у ўтган йили колхозчилардан тушган 110 ариза ва шикоятнинг 57 тасини пайсалга солиб юриб, сўнг кўриб чиққан. Қолганларини эса йўқотиб юборган эди. Теша Жабборов: «Вақтим йўқ, кейинроқ кўрамиз!» баҳонаси билан колхозчилардан тушган 32 ариза ва шикоятни кўриб чиқишни ҳанузгача орқага суриб келаётир. Халқ контроли группасининг Жўра Қодиров бошлиқ аъзолари эса раисининг раъйига қараб ўтиришибди.

«Москва» колхозининг раиси Асад Шокиров эса колхозчилардан тушган 50 дан ортиқ аризани текшириб ҳал қилишни пайсалга солган. Меҳнаткашларнинг шикоятларига бундай муносабатда бўлиш мазкур хўжаликларда халқ контроли группаларининг обрўйига путур етказмоқда. Ахир, хўжаликда асосий куч одамлар-ку! Одамларнинг талаби, одамларнинг эҳтиёжи қанчалик тўла қондирилса, ўша жойда меҳнат унумдорлиги ошади, маҳсулот таннархи арзонлашади. Раҳбарларнинг мавқеи мустаҳкамланади.

Халқ контроли ишига, унинг обрўсини туширишга уринаётган бундай раҳбарларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоғи даркор. Халқ контроли группалари, постлари ва контролёрларининг хўжалик, давлат планларини бажариш, меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароитини яхшилашга қаратилган ҳаракатларини колхоз ва ҳамда совхоз партия ташкилотлари қўллаб-қувватлашлари, уларга ёрдам беришлари керак. Айрим такаббур, бюрократларга зарба беришда коммунистларга хос жасорат ва ташаббус кўрсатиш ҳар бир колхоз, совхоз, корхона назоратчиларининг муқаддас бурчидир. Шундагина улар ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш, маблағ ва материалларни тежаш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун қизғин кураш олиб бора оладилар, халқнинг чинакам кўз-қулоғи бўлиб хизмат қиладилар.

А. ҲАКИМОВ,
Бухоро район халқ контроли комитетининг раиси.

ОВОРАЮ САРСОН

Қўқондаги «705-УНР»га қарашли 2-қурилиш участкаси шу йилнинг 1 мартидан бошлаб Фарғона шаҳридаги 8-қурилиш тресги ихтиёрига ўтказилди. Республика Қурилиш министрлиги бу билан участка ишини яхшиламоқчи эди. Бироқ, амалда тескариси бўляпти. Участка қурилиш материаллари билан таъминланмаяпти. Натижада уй-жой қурилиши суръати сусайиб кетди. Агар январь ҳамда февраль ойларида иккита 44 квартирали уй қурилган бўлса, март ҳамда апрель ойларида бир уй ҳам қуриб тамомланганн йўқ.

Бунинг сабаблари бор, албатта. 8-трест раҳбарлари йирик панеллардан уй-жой қурадиган бу участкага сира эътибор бермай қўйдилар. Улар: «участка 14-қурилиш тресги ихтиёрида, ўшаларга мурожаат қилинг», дейишади. Ўз навбатида 14-трестдаги ишбоши ўртоқлар «йўқ, сизга 8-қурилиш тресги оталиқ қилади, нима дардингиз бўлса, ўшаларга айтинг» дейишади.

Кўриб турибсизки, Қурилиш министрлиги амалга оширмоқчи бўлган тадбир ўзини оқламаяпти. Нега? Бир қатор ёрдамчи материаллар етишмаётганлиги сабабли йил бошида қурилган 44 квартирали уй-жой бинолари ҳанузгача фойдаланишга топширилмай турибди. Олиф, бўёқ, цемент, керамзит, металл буюмлар, кронштейнлар жуда танқис.

Йирик панелли уйлар қуриш учун керакли материаллар Қўқонда тайёрланиши мумкин. 100 километр узоқликдаги Фарғона шаҳридан шундай материалларни ташиб келтиришни афсал кўришмоқда. Биноларнинг қимматга тушиши министрликдаги ўртоқларни ташвишлантирмаётир.

Ғ. РАҲМОНОВ,
Қўқон шаҳри.

Рассом блокнотидан

— Қани, биродар бир шўнғичи: ғўзаларнинг аҳволи қандай экан?

— Барака топ, бунақа ишлашингда темир-терсак топшириш планини ҳадемай бажарамиз шекилли!

М. Воробейчиков чизган расмлар.

«ГОРОЧИСТКА»НИ КЎРГАН БОРМИ?

Наманган шаҳрида якка тартибда уй-жой қурилиши кенгаймоқда. Янги кўчалар ва уй-жой массивлари қад кўтармоқда. Шаҳарнинг Артелобод ва Биринчи Май маҳаллалари жойлашган территорияда Янгиобод уй-жой массиви вужудга келганига 10 йилдан ошиб бормоқда. Массив қурилганда кўчалар ўртасидаги эски ариқ ва дарахтлар шу ҳолича қолиб кетди. Бу, кўчаларга машиналар киритиш, ўтин-кўмир келтиришда аҳолига ноқулайсизлик туғдирмоқда.

Бунинг устига массивда яшовчилар учун коммунал хизмати яхши йўлга қўйилмаган. Массив шу кунгача водопроводлаштирилмаган. Шунинг учун бу ерда истиқомат қилувчилар ариқ сувини истеъмол қилишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ерда озодалик қоидаларига ҳам риоя қилинмаётир. Ахлатларни солиш учун махсус қутилар ўрнатилмаган. Шаҳар тозалаш идораси бу жойларда тўпланган ахлатларни олиб кетишни хаёлига ҳам келтирмаётир.

Бунга шаҳар коммунал хўжалик ва ободончилик бошқармасидаги ўртоқлар нима дейдилар?

С. АБДУЛЛИН,
пенсионер.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

ЁРҚИН САҲИФАЛАР

Халқ назоратчилари қишлоқ хўжалигида ҳам, саноатда ҳам янги резервларни қидириб топиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида ажойиб ишларни бажармоқдалар. Халқ контроли группа ва постларининг коммунистик қурилишга қўшаётган ҳиссаси тобора сезиларли бўлиб бормоқда. Назоратчиларнинг кундалик ишлари, камчиликларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишдаги ижобий тажрибалари кўпгина газеталаримизда яхши акс эттирилмоқда. Район газеталарида умумхалқ контролига бағишланган материалларни, саҳифаларни бериб бориш анъана бўлиб қолди.

Избоскан районида чиқадиган **«Пахтакор»** газетаси халқ контроли фаолиятини ёритишга алоҳида эътибор бериб келяпти. Унинг бу мавзуга бағишланган саҳифалари мазмундорлиги, масалаларга чуқур ёндошиши билан ажралиб туради. Газета материалларида илғор контролёрлар, энг яхши группа ва постларнинг тажрибалари фактлар асосида ҳикоя қилиб берилади. Шуниси қувончлики, газета саҳифаларида оддий контролёрлар, «Комсомол прожектори» жамоатчиларининг мақолаларига кенг ўрин ажратилган. Район газетасининг халқ контроли мавзуидаги сўнгги саҳифаларидан бири ғўза парваришига бағишланади. Шермат Юсупов номли колхоз халқ контроли группасининг раиси Я. Парпиев «Ўткир кўз билан» сарлавҳали мақоласида хўжалик назоратчилари ғўза парваришини сифатли ўтказиш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш борасида қандай ибратли ишлар қилаётганлиги тўғрисида ёзади. Мақолада колхоз контролёрлари ҳар бир бригада, ҳар бир звенода қатъий назорат ўрнатгани, нуқсонларга нисбатан муросасиз бўлаётгани очиб берилади. Авторнинг ёзишича, Ч. Собирова, Т. Ғозиев, Н. Ботиров, Т. Исмоилов, А. Тошматов каби контролёрлар айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг зийраклиги туфайли ғўза парваришида, шунингдек, колхоз ишлаб чиқаришининг бошқа соҳаларида юз берган баъзи камчиликлар барвақт тугатилди.

Ленинград районида чиқадиган **«Янги Фарғона»** газетаси ҳам назоратчилар фаолиятини дуруст ёритяпти. Махсус саҳифаларда район газетаси илғор тажрибаларни пропаганда қилибгина қолмай, айрим хўжаликлардаги контроль группа ва постларнинг ишидаги камчиликларни рўй-рост танқид қилмоқда. Чунончи, газетанинг 24-май сонида берилган халқ контроли саҳифасида Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз группасининг фаолияти кескин танқид қилинди. Чунки совхоз халқ контроли группаси (раиси ўртоқ Н. Абдувалиев) ўз зиммасига юклатилган шарафли вазифанинг уддасидан чиқмаётир. Совхоз бўлимларида ташкил этилган постларнинг иши ҳам талабга жавоб бермайди. Бунга сабаб нима? Ҳамма гап шундаки, совхоз партия комитети назоратчиларнинг иши билан сира қизиқмай қўйган. Уларга вақт-вақти билан йўл-йўриқ кўрсатиб турилмайди, текшириш ва рейдлар ўтказишда ёрдам кўрсатилмайди.

«Янги Фарғона» газетаси энг яхши группа ва постларнинг ибратли тажрибаларини моҳирлик билан пропаганда қилмоқда. Масалан, райондаги «Правда» колхози халқ контроли группасининг намунали ишлари тўғрисида катта корреспонденция берилган. Унда колхоз назоратчиларининг камчиликларни бартараф этишда партия ташкилотига қандай ёрдам бераётгани, ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари бўйича текшириш ўтказишдаги тажрибалари тўғрисида гап юритилади. Айниқса колхоз контролёрларининг жамоат чорвачилигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси каттадир. Улар колхоз чорвачилик фермаларида тез-тез бўлиб, чорвадорларнинг кундалик меҳнати билан, маданий-маиший шароити билан танишадилар. Масалан, яқинда сут-товар фермасида текшириш ўтказилиб, бу ердаги қўпол хатолар очиб ташланди. Текшириш натижалари чорвадорлар ўртасида муҳокама қилинди. Назоратчиларнинг жон куйдириб айтган гаплари зое кетмади. Шу кунларда сигирлардан аввалгига нисбатан анча кўп сут соғиб олиняпти.

Бағдод район **«Авангард»** газетаси яқинда ташкил бўлган. Лекин шунга қарамай, унинг халқ контролига бағишланган саҳифалари кўтарган масалаларнинг актуаллиги жиҳатидан диққатга сазовордир. Саҳифалардаги хат-хабарлар, мақолалар қизиқарли, ўқимишли қилиб ишланади. Шунингдек, назоратчилар фаолиятини ёритишда хилма-хил жанрлардан фойдаланилади.

Халқ назоратчилари фаолиятига бағишлаб бундай мазмунли ёрқин саҳифалар бераётган район газеталари республикамизда анчагина бор. Бироқ, афсуски, айрим район газеталари назоратчилар фаолиятини ёритишни унутиб қўймоқдалар. Шундай газеталар ҳам борки, уларда халқ контролига бағишланган материаллар бир неча ойлар давомида кўзга ташланмайди. Айрим газета редакциялари битта-иккита информация бериш билан кифояланиб қоладилар. Бу ўринда Хўжаобод район **«Шонли меҳнат»**, Охунбобоев район **«Ленин йўли»**, Поп район **«Коммунизм учун»**, Гулистон район **«Гулистон»** ва бошқа айрим район газеталари ходимлари шаънига аччиқ гапларни айтиш мумкин. Улар қишлоқ хўжалигимизни, саноатимизни ривожлантиришга халқ контроли органлари, халқ мулкининг посбонлари бўлган назоратчилар қўшаётган улкан ҳиссани унутиб қўймоқдалар. Ахир, назоратчиларнинг яхши ишларини қўллаб-қувватлаш, ибратли тажрибаларини пропаганда қилиш — газеталаримизнинг жонажон иши эмасми!

Шу кунларда республикамиз пахтазорларида, чорвачилик фермаларида янги беш йиллик топшириқларини бажариш, КПСС XXIII съезди кўрсатмаларини амалга ошириш учун қизғин кураш бормоқда. Бу курашда актив иштирок этаётган халқ контролёрларининг кундалик фаолиятини ҳар тарафлама чуқур ёритиб бориш ҳамма газеталарнинг шарафли бурчидир.

ИККИНЧИ ПАРВАРИШ

Ҳусанбойнинг асл касби механизаторлик. Бундан олти йил муқаддам Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг правлениеси ва партия ташкилоти уни қолоқ бригадага бошлиқ қилиб юборган эди. Ўша йилиёқ янги бригадир бошлиқ пахтакорлар ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 4-6 центнер оширдилар.

Ҳусанбой Убайдуллаевни бу йил Лойлиқ массивига, қўриқ ер ўзлаштирувчилар бригадасига бошлиқ қилиб юборишди. Бригада азаматлари бўз бағридан 100 гектар ер очиб, маккажўхори экдилар. Агротехника қоидалари асосида экилган маккажўхори бир текис униб чиқди.

Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 950 центнердан силосбоп кўкпоя ва 50 центнердан дон олиш учун бел боғлаганлар.

Б. БОБОҚУЛОВ.





Зилзила натижасида бошпанасиз қолган оилаларнинг кўпчилиги ҳозироқ янги уй-жойларга кўчиб киришди. Сиз кўриб турган биринчи суратда Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Тўтинисо Шаҳобиддинова оиласининг Чилонзор массивидаги янги уйлардан бирига эндигина кўчиб кираётган пайти акс этган. Иккинчи суратда Чилонзорнинг В-13 кварталида қуриладиган уй-жойларнинг лойиҳасини тузган украиналик мутахассислардан П. Дронина, Ю. Исаков, В. Абрамов, И. Тарасова ўртоқлар иш устида.

Г. Пун, (ЎзТАГ) ва А. Тўраев фотолари.

ПЕШҚАДАМЛАР ДАЛАСИДА

Шийпон ёнидаги тепаликдан бахмал пахтазорга боқамиз. У улкан шахмат тахтасини эслатади.

Суҳбатдошимиз — бригада бошлиғи Шариф ака қадрдон даласидан, дуркун ғўзаларидан кўзини узмай, гап бошлади:

— Деҳқончиликнинг гашти ҳам, ташвиши ҳам бор. Экишни уюшқоқлик билан ўтказдик. Ҳамма майдонга уруғни квадратлаб экдик. Экишдан сўнг чигитнинг униб чиқишини сабрсизлик билан кутдик. Мана, ҳозир ҳамма майдонимизда ғўза ниҳоллари гуркираб турибди. Иккинчи парваришни бошладик.

Ўн тўққиз гектарли картага куни кеча сув олинган экан. Бу ердаги сувчиларнинг миришкорлиги эгатлардан сувнинг бир меъёрда оқаётганлигидан билиниб турибди. Маматқул Бектемиров, Аширали Маматқуловлар сувнинг ҳар бир эгат бўйлаб текис оқишини, ҳар бир туп ғўза қониб сув ичишини кузатиб юришибди.

— Дастлабки суғориш, — дейди ўртоқ М. Бектемиров,— сувчидан катта масъулият талаб қилади. Негаки, ғўза ҳозир ёш, энди 4-5 тадан чин барг чиқарган. Бу пайтда сув меъёридан сал ошиқроқ оқизилса ҳам ниҳоллар тупроқ билан ювилиб кетади. Нормадагидан кам оқизилган тақдирда экин сувга қонмай, кейин паст-баланд бўлиб ўсади. Шунинг учун ҳам диққат-эътиборимиз сувда.

Қўшни картада ҳам меҳнат авжида. Икки азамат — Қўчқор Ҳайитбоев билан Зулфиқор Абдураҳмоновлар «пўлат отлари»ни елдириб, бири узунасига, иккинчиси кўндалангига культивация қиляпти. Культивация билан бир вақтда ғўза озиқлантирилмоқда.

— Иккаласи ҳам зап азамат йигит-да, — дейди бригадир мамнун бўлиб, — эрталабдан кечгача рулни бўшатмайди. 7-8 гектардан кам бўлса трактордан тушишмайди, шоввозлар. Механизаторларимиз сифатга катта эътибор беришяпти. Мана, кўрдингизми, тупроқ қандай яхши юмшатилган. Бамисоли ғўзага тўшалган кўрпа деяверинг. Бундай ерларда ғўза яйраб ўсади, чуқур томир отади.

Яна бир пайкалга ўтдик. Бир группа қизлар кечагина культивациядан чиқарилган ғўзаларни ягана қилишаётган экан. Улар билан салом-аликдан сўнг Шариф ака қизларга уқтирди:

— Кўчатга эҳтиёт бўлинглар. Ҳар бир уяда 3 тадан кам кўчат бўлмасин. Тунов кунги ҳисобимиз эсларингдан чиқмасин. — У бизга қаради. Ҳар бир гектарда 37 минг уя ва ҳар бир уяда 3 тупдан ғўза бўлишига эришсак, гектарида 111 минг кўчатга эга бўламиз. Мўлжалдаги кўчатни меҳр билан парвариш қилсак, 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24,5 ўрнига 30 центнердан хирмон кўтарамиз.

Коммунист Шариф Нурбеков бошлиқ бригада аъзолари мўл ҳосил етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, ғўза парваришини кўнгилдагидек ўтказишга муваффақ бўлаётирлар. «Ўзбекистон» колхозининг бошқа бригадаларида ҳам ғўза парвариши юксак агротехника қоидалари асосида ўтказилиб, мўл ҳосилга пухта замин ҳозирланаётир.

— Бугун-эрта дори сепишга самолёт келиши керак, — дейди колхоз раиси ўртоқ Н. Абдукаримов, — лекин, биз самолётнинг келишини кутиб турмай, мавжуд «ОДН» аппаратларини ва 10 та қўл аппаратини ишга солдик. Ҳашаротга қарши курашувчи отрядимиз далада.

Колхоз пахтакорлари ғўза парваришида Гулистон районида биринчи ўринда боряпти. Шу кунлардаги гайрат-шижоат «Ўзбекистон»ликларнинг пешқадамликни қўлдан бермасликларидан, кузакда ҳосил баракали бўлишидан далолат бериб турибди.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ,
Сирдарё области.

ҚЎШБАЙРОҚ МУБОРАК

Янгийўлдаги колбаса тайёрлаш заводи коллективи беш ойлик планни ҳамма кўрсаткичлар бўйича орттириб бажарди. Меҳнат унумдорлиги белгиланганига қараганда 3,7 процент кўтарилди. Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг гайрат-шижоат билан меҳнат қилиши натижасида кейинги беш ойда планга қўшимча 80 тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотлар зилзиладан зарар кўрган Тошкент шаҳри аҳолисига жўнатилди.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг биринчи квартали якунларида энг яхши натижаларга эришганлиги учун завод коллективи СССР Гўшт-сут саноати министрлиги ва озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союз Марказий Комитетининг ҳамда Янгийўл шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди. Шунингдек, завод коллективига биринчи даражали пул мукофоти ҳам топширилди. Янги техникани жорий қилиш плани муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан корхонага республика озиқ-овқат саноати ходимлари илмий техника жамиятининг ёрлиғи топширилди.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ

Польшада чиқадиган «Штандар млодих» газетасининг мухбири Бега Мачек билан бирга оқшомги Тошкентнинг ярим хароба кўчалари бўйлаб кезиб юрибмиз. Шаҳар маркази деб аталган бу жойлар зилзиладан қаттиқ шикастланган, кишилар кам кўринади. Яроқсиз ҳолга келиб қолган уйлардан одамлар кўчиб кетишганидан деразаларда чироқ кўринмайди, оёқ товушлари ҳам сийраклашиб қолган, аёллар иккитадан-учтадан бўлишиб, ўзларининг уйлари ёнидаги скамейкаларда ўтириб олиб, оҳиста суҳбатлашадилар.

Бирданига Алексей Толстой кўчасидаги ғалати бир манзарага дуч келдик. Очиғини айтганда, бу манзара бизга чодирлар, тунги ер силкиниши ҳақидаги ҳикоялардан ҳам маъюсроқ туюлди. Дарахт тагида кичкина стол. Уни нурсиз лампочка ёритиб турибди. Бу ерда 5-7 ёшли болалар вазмин ўтиришибди. Ҳар бирининг ёнида биттадан стакан, ўртада торт ясатиғлиқ турибди, қулупнай ҳам тарелкаси билан шу ерга қўйилган. Болаларнинг каттаси, чамаси 12 ёшли қизча уй бекаси вазифасини ўтаяпти. Болаларнинг стаканига тўлатиб-тўлатиб лимонад қуйиб берди.

Кўчада одам кўринмайди, жим-жит. Бу ерда машиналарнинг йўли тўсилган. Катталар кун бўйи ишлаб чарчашган, ҳозир палаткаларда дам олишяпти. Табиий офат уларнинг нормал ҳаётини беором қилди. Лекин болаларнинг байрам кайфиятини бузолмади.

Зилзила оқибатида бузилган бу кўчада болалар Серёжа Крюковнинг туғилган кунини нишонлашяпти. Зиёфат катта, хушчақчақлик, кулги ҳукмрон. Шундай ёнгинада Серёжалар уйининг харобалари.

— Ана у бизнинг чодиримиз!

— Манависи бўлса бизники!

Болалар ўзларининг чодир уйларини бир-бирларига кўз-кўз қилишарди. Ахир, улар бугунги кунда уйсиз қолганларини қайдан билишсин: уларнинг бугунги байрам дастурхони шундайгина кўчага, улар яшайдиган жойнинг яқинига солинган. Ҳолбуки, илгари у ерда ўйнашга йўл қўйишмасди. Чунки машинанинг йўлини тўсиб қўясиз деб йўлатишмасди.

Ернинг силкинишини ҳаммадан кўра болалар яхши ҳис этишади дейишади. Ер остидан чиққан даҳшатли овоз, итларнинг вовиллашлари — буларнинг ҳаммаси боланинг асабини издан чиқариб қўйиши мумкин. Шу боисдан ҳам катталар болаларни табиий офатдан сақлаш учун ўзларини мардона тутишяпти. Кичкинтойларни шаҳардан ташқарига олиб чиқиб кетишяпти. Ҳозиргача уларнинг 40 мингдан ортиқ ўғил ва қизлари республиканинг пионер лагерлари, дам олиш уйлари, санаторийларини гавжум қилиб юборишди.

Қора денгиздаги шифохоналар Тошкент болаларини келишга таклиф этмоқда. Москва атрофидаги манзарали жойлар уларни сабрсизлик билан кутмоқда. Москванинг кўпчилик ташкилотлари зилзиладан зарар кўрганларга ёрдам қўлини чўзмоқда. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Архив ишлари бош бошқармаси тошкентликларнинг ўнлаб фарзандини, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги 150 болани, СССР Журналистлар союзи 120 болани ўз қарамоқларидаги пионер лагерларига қабул қилишга тайёр. Кичкинтойларнинг дастлабки группаси Подмосковьега етиб келди. Тошкент болалари ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олинганлигини бу фактлар яққол кўрсатиб турибди.

...20 минутдан кейин «Тошкент» сейсмик станциясига етиб келдик. 10 минутдан кейин эса ер оёғимиздан кўтариб ташлади. Дарҳол асбоблар ишга тушиб кетди: Ер қимирлаяпти! Ҳазилакам эмас, 5-6 балл зарб билан силкинди. Лекин ҳеч қанақа хароба келтирмади. Шунга қарамасдан сейсмик станцияда ўтказилган кеча тушимга Серёжа Крюковлар оиласида ясатилган дастурхон устидаги идишларнинг асабий жангир-жунгири, лимонади тўкилган стаканлар ва бошқа кўнгилсиз нарсаларни киритди...

10 секунддан кейин сейсмик станцияда телефон кетма-кет жиринглай бошлади. Сўнгра икки соат давомида тинимсиз телефон бўлди. Тошкентликлар ер қандай куч билан силкинганини суриштиришарди. Ҳар ким ҳар хил оҳангда сўрарди. Баъзан ташвишли ва қисқа: «қанча бўлдийкин?», баъзан ҳаяжон, аммо одоб билан: «Марҳамат қилиб айтинг-чи, неча балл бўлди?», баъзан босиқ овоз билан: «Сейсмик станциями, ер қандай куч билан силкиндийкин?». «Қалай бўляпти?» деган дағал овозлар ҳам, кулги аралаш «Салом. Ишлар жойидами?» деган саволлар ҳам бўлди.

Телефон трубкасини олиб жавоб қилишга тушиб кетдим. Ҳозир номи шаҳарга маълум ва машҳур бўлиб кетган сейсмик станция бошлиғи Валентин Уломов одамлар зилзилани қандай ҳис этганликлари, кўнгилсиз воқеани қай тариқа бошдан кечирганларини билишни мендан илтимос қилди. Чунки бу маълумотлар фанга керак бўлади, деди у.

Ўша тунда тошкентликлардан ўнлаб кишилар билан телефонда гаплашдим. Йўқ, мен улардан интервью олмадим. Сейсмик станцияга телефон қилганлар журналист билан гаплашаётганликларини билмас эдилар. Шу боисдан қисқа, бутун ҳис-ҳаяжон билан айтилган жавоблар шаҳарликларнинг кайфиятини ҳаммадан ҳам яхши акс эттириб турибди. Мана, ўша жавоблардан бир нечтаси:

Ёш йигит: Ер яхшигина силкинди, лекин идиш-товоқ бутун.

Аёл киши: Қуриб кеткур офат қачон тугайди ўзи? Айтгандай, буни сиз қаердан ҳам билардингиз. Лекин ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а. Шундай тинкамиз қуриганки, илтижо сўраб сизларга мурожаат қилишга мажбур бўламиз.

Эркак киши: Чемпион кўчасида яшайман. Майка ва трусида чемпионларга ўхшаб эпицентр бўйлаб югурганимиз-югурган.

Эркак киши: Сизга заводдан, тунги сменадан телефон қиляпман. Ер силкинганда станокларнинг ёнида турган эдик. Ҳаммамиз бирданига эшикка отилибмиз, лекин тезликда эсимизни йиғиб олиб, яна қайтиб келдик. Ҳа, силкинишлар жонга тегиб кетди.

Аёл киши: Зилзиладан жуда қўрқаман, тунлари ечинмай ухлайман.

Эркак киши: Силкиниш даҳшатли бўлди. Лекин ўзимизни йўқотиб қўймаяпмиз.

Кишиларнинг гапларига ҳеч қандай қўшимча қўшганим йўқ. Булар ернинг тўрт юзинчи силкинишини бошидан кечирган кишиларнинг жавоби. Бу жавоблар дастлабки манбалардир. Булар самимийлик билан айтилган сўзлар бўлиб, бу гапларнинг тагида ернинг силкинаверишидан ҳориган тошкентликлар ўзларини нақадар яхши тутаётганлари, уларнинг мардлиги, матонати яққол кўриниб турибди!

Ҳозирги кунларда тошкентликлар бир-бирлари билан кўришганда тахминан қуйидаги савол-жавоб бўлмай қолмайди:

— Қандай яшаяпсиз?

— Бир нав.

Бу савол-жавоблар неча бор такрорланса-да, [аҳа]миятини йўқотмаяпти. Чунки бульдозер ва экска[ва]торлар кечаю-кундуз шикастланган уйларни т[...]лаб, янги биноларга жой тайёрламоқда. Шаҳарн[инг] марказий қисмида чанг осмонгача кўтарилган. [Са]молётда юриб Тошкент кўчаларида қандай жа[...] иш бораётганини сезиш мумкин. Негаки, хар[обалар] дарахтларнинг орасига яшириниб олган: дар[ахт]лардан паст уйлар шикастланган асосан. Ҳа, [да]рахтлар тагида яшириниб ётган бир қаватли уй[лар] шикастланган.

Ҳақиқатга кўчганда айтиш керакки, бир қа[ват]ли Тошкент ниҳоятда улкан эди. Уруш йиллар[и] Ўзбекистон пойтахти эвакуация қилинган юз м[ингла]лаб кишиларни қайноқ бағрига олган эди. Ўша[нда] ер бағирлаб кетган сомон лойли Тошкент анча [кен]гайиб кетганди. Фақат кейинги ўн йилдан б[ери] шаҳар юқорига қараб ҳам ўса берди. Лекин у[нинг] аҳолиси тез ўсиб, эски уйларни бир йўла олиб т[аш]лашга имкон бўлмай қолганди. Бу ҳол уй-[жой] проблемасини ҳал этишда жиддий қийинчилик [туғ]дирди. Шу боисдан шаҳар қурилиши асосан я[нги] районларда олиб борилди — кўп қаватли Чилон[зор], Высоковольтная массиви вужудга келди. Бир [қа]ватли шаҳар эса илгаригидек аҳолиси зич ва [...] шаҳар бўлиб қолаверди.

Зилзила натижасида мана шу бир қаватли Т[ош]кент — икки миллион квадрат метр саҳндаги [уй-]жой қаттиқ шикастланди. Тошкентдаги офат а[...]ло мана шунда, мазкур жойларнинг яроқсиз ҳ[олга] келиб қолганлигидадир.

Офат юз берган қурбонларда эмас. Чунки, [қур]бонлар деярли бўлмади. Ернинг уч марта қа[ттиқ] силкинишида беш киши хароба остида ҳалок бў[лди], уч кишини ток урди, юрак асаби касалидан [...] киши ўлди.

Офат юқумли ва асаб касалликларида ҳам э[мас]. Тошкентнинг асаб касалликлари бўйича йирик [му]тахассиси медицина фанлари доктори Ф. Ф. Де[...]гофнинг айтишича, асаб касалликлари илгари [қан]дай бўлса, ҳозир ҳам деярли шундай миқдорда.

Офат озиқ-овқат таъминотида ҳам эмас. Зи[лзи]лага қадар шаҳарда 44848 ўринли 1206 ошхона[лар], 2645 савдо шохобчалари бўлган бўлса, ҳозир 43[...] ўринли 1316 ошхона ва 3092 савдо шохобча[си] ишлаб турибди.

Тошкентнинг бутун кулфати шунда бўляпти[ки], ўн минглаб оилалар бошпанасиз қолди, киши[лар] чодирларда яшамоқда. Лекин муҳими, ташвиш[и] бунда ҳам эмас. Табиий офат ҳақиқатан ҳам ф[ало]катга айланиб кетиши, агар кузгача, қор-ёмғи[р] кунлар бошлангунча кишилар уй-жой билан [таъ]минланмай қолса, бутун фалокат ўшанда бўл[иши] мумкин. У ҳолда тошкентликларнинг ҳоли нима[...] чаркин?..

Йўқ, йўқ, бу ҳақда сира ўйлагинг келмайди, [...]ши. Чунки, бундай ҳол юз бериши мумкин эм[ас]. Негаки, бутун мамлакат Тошкентга ёрдамга отла[нди]. Шундай қийин кунларда ҳаммамиз, 230 милл[ион]ли совет кишиларининг барчаси бир-биримизга [...]чалик дўстлик иплари билан боғланганимизни [...]қол ҳис этдик. Дўстлик, ўртоқлик ва биродар[лик] шунчаки шиоримиз бўлиб қолмай, эришган ва [...]га киритган катта бойлигимиз эканлигини ан[глай]дик.

— Хўш, ҳақиқатда Тошкентда аҳвол қалай? М[...]буот учун эмас, шунчаки орамизда қоладиган [...]ни айтинг: Тошкентда аҳвол чатоқ бўлса керак-а[?] Москвадаги жуда кўп танишларим мени шунга [ўх]шаш саволлар билан кўмиб ташлашди. Одам[лар] бундай саволларни менга ўзлари ўйлаган ма[ъно]ларда беришди. Чунки улар «Ўртада қолади[ган] гап» деганда табиий офатнинг қандайдир ҳақи[қий] фожиаси ва қурбонлари ҳақида айтиб беришим [...]рак экан. Бундай саволларни берган кишилар [кўп]пинча Андрей Вознесенскийнинг «Тошкентга ёрд[ам] беринг» деган поэмасидан олиб босилган парча[ни] менга рўкач қилишди.

Бу парчани мен ҳам ўқиб чиқдим. Зотан, ш[оир] Тошкент фожиасига лоқайд қараб турмаган, [ши]кастланган шаҳарга қўлидан келганча шоирона [ёр]дам бериш учун Тошкентга тезликда етиб келг[ан]. Уни қучоқ очиб кутиб олишди, у тошкентликла[рга] ўзининг яхши шеърларини мароқ билан ўқиб бер[ди]. Шунда ҳамма ундан қаҳрамон шаҳар ҳақида қ[уд]ратли, ҳаққоний поэма ёзишни кутган эди.

Афсуслар бўлсинки, шоир Тошкентда йўқ нар[са]ларни кўрибди-ю, бор нарсалар эътиборидан че[тда] қолибди. Деворга ёпишиб олган хотин кишини[нг] чангак кафтлари, Тошкент ўрнида қолган уюмл[ар], ер остидаги аланга деган бемаъни гапларгача [...] хаёлини қўйиб юбориш инсофданми, ахир! Конк[рет] нарсалар ҳақида, миллионларни тўлқинлантира[ёт]ган воқеа ҳақида гапириш ўрнига бундақанги б[...]каналик қилишнинг нима кераги бор! Майли, шо[ир] таассуротида бўлган, аммо ҳақиқатда йўқ бўл[ган] нарсаларни тошкентликларнинг ўзлари ўқиган[да] ҳайрон бўлишиб, елкаларини қисиб қўйишавера[ди]. Лекин Тошкентдан узоқда туриб ўз қариндош-ур[уғ]ларини, яқин кишилари ва танишларини ўйлаётг[ан] ва қайғураётган кишилар ҳақида Вознесенский [ўй]ламадимикин. Ахир шоир кишиларга қанчал[ик] ташвиш келтирди!

Вознесенский назарида Тошкент азамат, ма[...]натли шаҳар эмас, балки ёрдамга ниҳоятда муҳто[ж], чорасиз шаҳар эмиш. Гапнинг рости, ҳақиқат[да] бундай эмас. Бу тошкентликларни хафа қилиши[на] худди ўзи. Иттифоқчи республикалар, Москва [ва] Ленинград Вознесенский қўлига қалам олишдан и[л]гариёқ Ўзбекистон пойтахтида бир миллион ква[д]рат метрдан кўпроқ уй-жой қуриб беришга қар[ор] қилганига, бутун мамлакат Тошкентга ёрдамга ке[л]ганига қарамай, шоир кўзини юмиб олиб кимла[р]гадир илтижо қилиб: «Ёрдам бермайсизларми?» д[еб] таъна қилади. Ахир у кимга шама қиляпти?

Ушбу сатрларни Андрей Вознесенский хатолар[и]ни кўрсатиш учун ёзаётганим йўқ. Ёзувчининг б[и]дий жиҳатдан бўш чиққан образларини ҳақиқат д[е]б ўйлаб ташвишга тушган кишиларни ўйлаб ёзя[п]ман.

Шаҳар одатдагидек ҳаёт кечирмоқда. Ернинг си[л]кинишларига, уйқусиз тунларга қарамай, жас[ур] тошкентликларнинг руҳи сира тушгани йўқ. Ула[р] бутун халқимизнинг мададига таяниб коллект[ив] жасорат кўрсатмоқдалар, бутун орзу-умидини йўқ[о]таёзган кишидек жон ҳолатда эмас, балки боси[қ] мардона ҳаракат билан жасорат кўрсатмоқдалар.

А. САЛУЦКИЙ,

Тошкент — Москва.
(«ВЕЧЕРНЯЯ МОСКВА» газетасидан).

СЕНИ СОҒИНИБ...*)

3. САЛОМ, МАЛИ!

Воҳид ЗОҲИДОВ.

Мали республикаси эълон этилиши биланоқ иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиш, савдо муносабатларини кенгайтириш, маданий ҳамкорлик ҳақида Совет—Мали битимлари тузилди (1960—1961 йилларда). Бунинг айниқса ўша пайтларда ғоят катта моддий аҳамиятигина бўлмай, айни замонда жуда улкан сиёсий аҳамияти ҳам бор эди. Мана неча йилдирки, совет мутахассислари ер ости бойликларини ахтариш ва Мали халқи манфаатлари хизматига қўшиш ишлари билан машғуллар. Совет ҳукуматининг ёрдами билан Бамакода катта ўқув юрти учун ғоят муҳташам ва муаззам бино қурилган. Пойтахтда стадион ва бассейн барпо этилмоқда. Пойтахтдан 100 километрча наридаги бир шаҳарда Совет ҳукуматининг ёрдами билан олий қишлоқ хўжалик ўқув юрти учун барча керакли нарсалар билан жиҳозланган жуда катта ва кўркам бино қад кўтармоқда. Совет врачлари энг оғир шароитларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар. Совет Иттифоқида, жумладан Совет Ўзбекистонида анчагина мали студентлари таҳсил олмоқда.

Кўрсатилган ва кўрсатишга мўлжалланган ёрдамимиз миқдори ва турларини санай берсам, жуда кўп.

Энг муҳими шундан иборатки, бу ёрдам тамомила беғараз ва дўстонадир. Республикамизнинг миллий манфаатларига тамомила мувофиқдир. Буни дўстларимиз яхши биладилар, яхши тушунадилар. Бунга улар ўз тажрибаларида ҳам амин бўлдилар.

Мали Республикасининг адлия министри, Судан Иттифоқи партияси миллий сиёсий бюросининг аъзоси Мадейра Кейта КПСС XXIII съездида деди:

«Совет Иттифоқи жаҳон социалистик системасини яратишга, озодлик ҳаракатининг ғалабасига, мустамлака халқларини озод қилишга жуда катта ҳисса қўшди».

«Мали Республикаси социализм қуриш йўлига тушиб олди. Мустақиллик эълон қилинганидан бери орадан атиги олти йил вақт ўтди, аммо Мали халқи ҳозирнинг ўзидаёқ янги турмуш меваларидан баҳраманд бўлмоқда. Меҳнаткашлар оммасининг куч ва ғайрати, партиямизнинг тўғри йўли ва раҳбарлиги туфайли, СССРнинг ва бошқа дўст мамлакатларнинг ёрдами туфайли Малида халқ хўжалигининг моддий негизи бир маромда ривожланиб бормоқда.

Бизнинг партиямиз билан КПСС, мали халқи билан совет халқи қардошлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб, умумий душман бўлган империализмга қарши биргаликда олиб борилаётган курашда, инсониятни ҳар қандай эксплуатациядан озод қилишдан ва унинг ижодий кучларини тўла яратишдан иборат муштарак мақсад йўлида бирдам бўлиб ҳаракат қилмоқдалар».

Мали Республикаси ва унинг Судан Иттифоқи партияси раҳбарларидан бир қанчалари (жумладан Мадейра Кейта) билан бўлган дўстона суҳбатларимизда ҳам улар айтган сўзлар асосан мана шундай мазмунли эди, бизнинг мамлакат ва партияга нисбатан мана шундай эътироф ҳамда миннатдорчиликдан иборат эди.

Бу — ҳар нарсадан зўр ҳаёт ҳақиқатининг ифодасидир, хулосасидир.

Шу сатрларни ёзарканман, ёдимга икки нарса тушиб қолди. Бири—Лениннинг 1919 йилдаёқ улуғ башорат қилиб айтган сўзлари, иккинчиси — малилик шоирнинг шу биринчи билан тақозо қилинган ва Ленинга бағишланган шеъри.

Ленин айтган эди:

«Докладимнинг темаси — ҳозирги момент масаласи бўлиб, менингча ҳозирги вақтда бу масаладаги энг муҳим нарса Шарқ халқларининг империализмга муносабати ва бу халқлар ўртасидаги революцион ҳаракатдир. Ўз-ўзидан маълумки, Шарқ халқларининг бу революцион ҳаракати бизнинг Совет республикамиз томонидан халқаро империализмга қарши олиб борилаётган революцион кураш билан бевосита боғланган ҳолдагина ҳозир муваффақиятли ривожланиши ва ҳал бўлиши мумкин. Кўп сабабларга кўра... бизга бутун жаҳон миқёсида империализмга қарши кураш ташаббускорлари бўлишнинг бутун оғирлигини ўз устимизга олишга тўғри келди — биз буни улуғ шараф деб биламиз. Шу сабабли воқеаларнинг энг яқин вақт ичида бўладиган ривожи халқлар империализмга қарши янада кенг ва қаттиқ кураш олиб боришидан, ҳамда бу воқеалар ривожининг Германия, Франция, Англия ва Америка империализми бирлашган кучларига қарши Совет Республикаси томонидан олиб бориладиган кураш билан боғланишидан дарак беради».

Ҳа, бу — ярим асрча давр синовидан ўтган, тасдиқланган том ҳаёт ҳақиқатидир.

Биз билан бир неча мартаба мулоқотда бўлган Мали шоири (у айни замонда информация министри) Гауссу Диавара ўзининг «Ленин» номли шеърида бу улуғ зотни ер юзидаги барча мазлум халқлар орзусининг ушалгани тарзида талқин қилиб ёзади:

Ғамдан қариган
ер сен
Қора осмонга,
уйқусиз юлдузга
титраган ҳолда
нола билан қўл чўзиб
дединг:
«Олмос юлдуз, туш!
Очлик
Жаҳолат, кулфат
ер юзин ҳеч тирнамасин учун
кўр коинотдан
пастга, бизга,
олмос юлдуз, туш!
Ажал кетиб
ҳаёт кишансиз,
тутқун меҳнатсиз
бўлсин учун
тезроқ кел.
адолат,
олмос юлдуз, туш!
Инграшлар эшитилаётган,
ғам ва муҳтожлик
энг қанот ёйган,
қуллар топталган
бу дунёга,
олмос юлдуз, туш!
Эътиқод ва озодлик
бозорларда ҳаёсизча
сотилаётган
бу дунёга
доғсиз коинотдан
олмос юлдуз, туш!
Ҳақиқат топталган,
севги шодлик эмас,
ғам-алам келтирган
бу дунёга кел,
қутулиш ва интиқом, —
олмос юлдуз, туш!
Бизнинг болалар,
энг нотавон ва иложсизлар
бахти учун
пастга,
бизга, қовжираган саванналарга,
олмос юлдуз, туш!
Эшитасанми,
умиддан ажралмаслик учун,
руҳ мағрур жонлансин учун
хашак томли кулбаларга,
биродарлар олдига,
олмос юлдуз, туш!».
Ниҳоят, жавобан
жўшди вулқонлар,
кўтарилди тутун
аралаш алангалар,
қалқди тўфонлар,
кесди қора осмон бағрин
чақмоқлар,
ларзага келди ер...
Юлдуз тушди!
Ленин келди дунёга!
Муҳтарам ўқувчи!

Мана энди сафаримиз ҳам ниҳоясига етди, айниқса йўлга чиқишимиздан бир-икки кун олдин уйқу ҳам бизни тамомила тарк этди. Бўлмасачи?

Муаззам Ватанимиз, азиз халқим, севгим, севгилим, сизни беҳад соғиндим, сизга тўхтовсиз ошиқдик.

Бу Ватан офтоби оромбахш, ҳаётбахш, тупроғи эса олтин. Бу Ватан ҳавосидан Пушкин ва Толстойлар нафас олган. Унинг нурларидан ва баланд тоғларидан Абай ва Абоянлар баҳраманд бўлган. Унинг юлдузли осмони ва сеҳрли чечакларидан шеър тўқиган Нодира бегим, Муқимий ва дарбадар Фурқатлар.

Бу Ватан оғушида ўзи бир оламга тенг Беруний, улуғ Форобий, Шайхшур.Раис, Ибн Сино ва гениал Навоийлар бунёдга келган.

Бу Ватан, улуғворлиги, салобати ва гўзаллиги ўлмас шашмақом куйлари ва Чайковский даҳосини яратган мўъжизакор диёрдир.

Бу Ватан энг улуғ инсон — Ленинни берган, «Аврора» ҳайқириқларини бутун планетамиз бўйлаб таратиб, дунёни ларзага келтирган, инсоният тарихида биринчи бўлиб ақл ва адолат тантанаси даврини бошлаб берган мўъжизакор диёрдир.

Янги шаклдаги мустамлакачиликка қарши сабот ва матонат билан кураш олиб бораётган Жазоир ишчисининг «Биз енгамиз албатта, чунки қудратли ҳомийимиз, дўстимиз Совет Иттифоқи бор» дейиши бежиз эмас.

Малидаги Маркала вилояти бошлиғи билан суҳбатимизда, сенинг ажралмас қисминг — Совет Ўзбекистони ўтган йили тўрт миллион тоннага яқин пахта етиштирди, деганимизда у бошлиқнинг, «Ажиб, бу биз учун астрономик ададдир, шоят бир вақт келиб биз ҳам шундай бахтга эришармиз. Сизларнинг мамлакатимизга лутфан ташриф буюриб бизларни хурсанд қилган олижаноб вакилингиз Шароф Рашидов ҳам бу ҳақда ва бошқа ҳайратомуз муваффақиятларингиз ҳақида бизларга айтиб берган ва бизларни ёрқин келажакка илҳомлантирган эди, дейиши бежиз эмас, албатта!

Шу Ватанни яратган ва унинг соҳиби — жонажон халқникидир. Бу халқ шу қадар азамат ва улуғвордир, шу қадар ажойиб ва мўъжизакордир.

Шундай Ватан ва халқни севмасдан, айниқса узоқ ғурбатда уларга ошиқиб интилмасдан бўладими, ахир!?

Ҳа, севгим. севгилим, севинчим! Дунёнинг қай ерида бўлмай, нелар кўрмай — осмонда ҳам, уйқуда ҳам, боғ-роғ, анжуман ва чўлу кўчада ҳам ҳамиша сени дедим, сен билан бўлдим. Кундузлар тизгинсиз ва занжирбанд хаёлимда ҳамиша сени кўрдим ва беўлчов севиндим. Кечалар эса ой ва юлдузлар билан суҳбатлашдим, улар орқали сен билан суҳбатлашдим, «Сени кўряптилар» дея ҳаваси келарди уларга.

Ҳа, сени тезроқ кўриш, сен билан бўлиш ва оғушингда орсм олиш орзуси билан ҳамиша ҳамнафас бўлдим.

Дейдиларки, яхши орзу амалга ошади, албатта. Ошди ҳам. Сени беҳад севиб, чексиз соғиниб, ғоят сенга ошиқиб келдим бағрингга.

Нақадар бахтиёрман-а!

*) Боши газетанинг 31 май, 3 ва 13 июнь сонларида.

ДЎСТЛАР ДИЁРИГА

Ўтган якшанба куни Андижон области меҳнаткашларининг делегацияси қардош Болгария Халқ Республикасининг область билан мусобақадош Ямбол округига жўнаб кетди. Делегация составида область Советн ижроия комитетининг раиси П. Қаюмов, «Савай» совхозининг директори, СССР Олий Совети депутати У. Саримсоқов, Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати А. Тиллабоев, Ўзбекистон КП Андижон шаҳар комитетининг биринчи секретари С. Обидов, Москва районидаги «Победа» колхози сут-товар фермасининг мудири Н. Бабич ва бошқа фан, маданият, саноат ходимлари бор. Делегация Ямбол округининг қишлоқ хўжалик, саноат, маданияти билан танишади. Шунингдек, қардошлар диёрида ўтказиладиган ўзбек маданияти декадасининг меҳмони ҳам бўлади.

Н. ИНОҚОВ.

«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

САЙЁҲ КИТ

Оқ китнинг Рейн дарёсидаги саёҳати ҳақидаги хабарлар Ғарбий Германияда худди жанг майдонидан олинган хабар каби тарқалмоқда. Нодир денгиз ҳайвони тўрт ҳафтадан буён шу дарёда сузиб юрибди. Кит Дуйсбурггача бориб, у ердан орқага қайтди ва Шимолий денгиз «остонасига» келди, аммо тўсатдан йўналишни ўзгартириб, яна оқимга қарши сузиб кетди. Кўп ўтмай Рур областининг минглаб аҳолиси ҳайвоннинг оқ сағрисини яна кўрди. Кит гоҳ сув юзига чиқар, гоҳ малларанг сувга шўнғирди.

Кит овловчилар Арктикадан келган бу меҳмонни ушлаш ниятидан қайтдилар, чунки кит қўйилган тўрларни икки ҳафта давомида четлаб ўтиб кетмоқда.

Кит оқимга қарши аста сузиб бормоқда. Уни моторли қайиқлар, атрофдаги қишлоқлардан келган минглаб кишилар кузатиб бормоқдалар.

(«ТРУД»дан).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

1966—1967 ЎҚУВ ЙИЛИГА СТУДЕНТЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

★ ★

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Виборг кўчаси, 5)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

енгил ва тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари, кимиқ толалар технологияси, толали материалларга дастлабки ишлов бериш, натурал ва химиявий толаларни йигириш, ишлов бериш ишлаб чиқаришнинг химиявий технологияси ва ускуналари, трикотаж ишлаб чиқариш, тикув буюмлари технологияси, чарм буюмларини конструкциялаш ва унинг технологияси, тўқимачилик, енгил истеъмол саноат буюмлари экономикаси ва уни ташкил этиш, тўқилмайдиган материаллар ишлаб чиқариш, тикув буюмларини конструкциялаш.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:

енгил ва тўқимачилик саноати машиналари ҳамда аппаратлари, натурал ва химиявий толаларни йигириш, трикотаж ишлаб чиқариш, тикув буюмлари технологияси, чарм буюмларини конструкциялаш ва унинг технологияси, тўқимачилик, енгил истеъмол саноат буюмлари экономикаси ва уни ташкил этиш, тикув буюмларини конструкциялаш.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари, толали материалларга дастлабки ишлов бериш, натурал ва химиявий толаларни йигириш, трикотаж ишлаб чиқариш, тикув буюмлари технологияси, тўқимачилик, енгил истеъмол саноат буюмлари экономикаси ва уни ташкил этиш.

МАРҒИЛОНДАГИ СИРТҚИ ЎҚУВ-КОНСУЛЬТАЦИЯ ПУНКТИ

(Марғилон шаҳри, Ёш ленинчи кўчаси, 16)

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

пахтага дастлабки ишлов бериш, тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари, пахта ва ипакни йигириш, тўқимачилик, трикотаж ишлаб чиқариш, тикув буюмлари технологияси, енг истеъмол саноати буюмлари, экономикаси ва уни ташкил этиш.

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Термиз шаҳри, Фрунзе кўчаси, 43).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

она тили ва адабиёти, чет тиллар, биология ва қишлоқ хўжалиги асослари, бошланғич таълим педагогика ва методикаси, рус тили ва адабиёти.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

она тили ва адабиёти, чет тиллар, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси, рус тили ва адабиёти.

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ РЕСПУБЛИКА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Литературная кўчаси, 4).

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:

рус тили ва адабиёти.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108)

КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:

автоматик электр алоқаси, кўп каналли электр алоқа, радио алоқа ва радио эшиттириш

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 6)

КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:

жисмоний тарбия ва спорт.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ТОШКЕНТДАГИ УМУМТЕХНИКА СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТИГА:

Фойдали қазилмалар геологияси ва уни разведка қилиш, нефть ва газ қазилмалари геологияси ва уни разведка қилиш, гидрогеология ва инженерлик геологияси, фойдали қазилмаларни разведка қилиш техникаси, нефть ва газ конларини ишлаш технологияси ва комплекс механизациялаштириш, электр станциялар, тармоқлар ва системалар, иссиқлик электростанциялари, рангли металлар металлургияси, машинасозлик технологияси, металл кирқадиган станоклар ва асбоблар, қуюв ишлаб чиқариши машиналари ва технологияси, пайвандлаш ишлаб чиқариши ускуналари ва унинг технологияси, қишлоқ хўжалиги машиналари, химия ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари, электр машиналари ва аппаратлари, саноат қурилмаларига электр ўтказиш ва уни автоматлаштириш, тоғ ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш, ноорганик моддалар ва химиявий ўғитлар технологияси, тўқима материалларнинг химиявий технологияси, керамика ва ўтга чидамли буюмларнинг химиявий технологияси, бродаль ишлаб чиқариши технологияси, мойлар технологияси, саноат ва граждан қурилиши, дарё иншоотлари ва гидроэлектростанцияларнинг гидротехник қурилиши, бинокорлик буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариши, сув таъминоти ва канализация, автомобил йўллар, автомобиль транспорти, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция.

Аризалар 25 августгача, кириш имтиҳонлари 15 майдан 10 сентябргача чақирув бўйича қабул қилинади

Кирувчилар химия-технология мутахассислигидан ташқари қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки), химия (оғзаки), рус тили ва адабиёти (ёзма);

химия-технология мутахассислигига кирувчилар: химия (оғзаки), математика (оғзаки), физика (оғзаки), рус тили ва адабиёти (ёзма) дан имтиҳон топширадилар.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси 3, сиртқи факультет қабул комиссияси. Телефон — 42511.

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМЛАРИ

ТОШКЕНТ
(Гончаров кўчаси, Кольский тупиги, 1)

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:
гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, гидротехника иншоотлари

САМАРҚАНД
(Рабочая кўчаси, 2)

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:
саноат ва граждан қурилиши, гидромелиорация.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:
саноат ва граждан қурилиши.

АНДИЖОН
(Андижон области, Марҳамат қишлоғи)

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:
гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш

НУКУС
(Горький кўчаси, 179)

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:
гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:
электростанциялар, тармоқлар ва системалар, қозон ва буғ турбиналари қурилмалари.

НАМАНГАН ТЎҚИМАЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Марғилон кўчаси, 17).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
саноат корхоналари ва қурилмаларини электрлаштириш.

КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ ЎҚИШГА:
пахтани йигириш ишлаб чиқариши, тўқимачилик ишлаб чиқариши, газмолга ишлов бериш.

ҚЎҚОН НЕФТЬ ТЕХНИКУМИ

(Карл Маркс кўчаси, 26).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
нефть ва газ қазилмалари геологияси ва уни разведка қилиш, қудуқларни тадқиқ қилишнинг геофизик методлари, нефть ва газ қудуқларини пармалаш, нефть ва газ қудуқларини эксплуатация қилиш, нефть ва газ корхоналарини ускуналаш, химия ва нефть-газни қайта ишлаш заводларини ускуналаш, нефть ва газ саноати корхоналарида планлаштириш;

КЕЧКИ ЎҚИШГА:
нефть-газ қудуқларини пармалаш, нефть ва газ қудуқларини эксплуатация қилиш, саноат корхоналари ва қурилмаларига электр ўтказиш, нефть ва газ корхоналари ускуналари, химия ва нефть-газни қайта ишлаш заводларини ускуналаш, химия ишлаб чиқариши автоматик қурилмаларини эксплуатация қилиш, нефть ва газнинг химиявий технологияси, нефть ва газ саноати корхоналарида планлаштириш;

СИРТҚИ ЎҚИШГА:
нефть ва газ қазилмалари геологияси ва уни разведка қилиш, қудуқларни тадқиқ қилишнинг геофизик методлари, нефть ва газ қудуқларини эксплуатация қилиш, нефть ва газ корхоналарини ускуналаш, нефть ва газ саноати корхоналарида планлаштириш, нефть ва газ қудуқларини пармалаш.

АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛ ТЕХНИКУМЛАРИ

ҚЎҚОН
(Горький кўчаси, 71).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
йўл машиналари ва ускуналари, автомобиль йўллар қурилиши ва уни эксплуатация қилиш, автомобиль транспортини эксплуатация қилиш, автомобилларнинг техника кўриги ва уни ремонт қилиш.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:
йўл машиналари ва ускуналари, автомобиль транспортини эксплуатация қилиш, автомобилларнинг техника кўриги ва уни ремонт қилиш.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:
йўл машиналари ва ускуналари, автомобиль йўллар қурилиши ва уни эксплуатация қилиш, автомобиль транспортини эксплуатация қилиш, автомобилларнинг техника кўриги ва уни ремонт қилиш.

НУКУС.
(Қизкетган қирғоғи).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилиш, автомобиль транспортини эксплуатация қилиш, автомобилларнинг техника кўриги ва уни ремонт қилиш.

САМАРҚАНД ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНИКУМИ

(Оғалиқ кўчаси, 2).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
нон ёпиш ишлаб чиқариши; ўсимлик мойлари технологияси, консервалаш технологияси, гўшт ва парранда маҳсулотлари технологияси, сут маҳсулотлари технологияси, озиқ-овқатни тайёрлаш технологияси, нон, макарон ва кондитер саноати корхоналари машиналари ва ускуналари, кондитер ишлаб чиқариши.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:
нон ёпиш ишлаб чиқариши, консервалаш технологияси, озиқ-овқат тайёрлаш технологияси, нон, макарон ва кондитер саноати корхоналари машиналари ва ускуналари, кондитер ишлаб чиқариши.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:
нон ёпиш ишлаб чиқариши, виночилик технологияси, ўсимлик мойлари технологияси, консервалаш технологияси, гўшт ва парранда маҳсулотлари технологияси, сут маҳсулотлари технологияси, озиқ-овқат тайёрлаш технологияси, нон, макарон ва кондитер саноати корхоналари машиналари ва ускуналари.

МАРҒИЛОН ПЛАН-ЭКОНОМИКА ТЕХНИКУМИ

(Ўзбекистон 25 йиллиги кўчаси, 135)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
ҳисоб ва ҳисоблаш ишларини механизациялаштириш,

КЕЧКИ ЎҚИШГА:
бухгалтерия ҳисоби.

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:
Совет савдосида планлаштириш, саноат моллари савдоси товароведлиги ва уни ташкил этиш, озиқ-овқат товарлари савдоси товароведлиги ва уни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби.

ТОШКЕНТ КИНО ТЕХНИКУМИ

(Горький кўчаси, 183).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
Кино установкаларини ускуналаш, электрон ва электр воситалари ишлаб чиқаришини автоматлаштириш.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:
Кино установкаларини ускуналаш.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

(Тошкент шаҳри, Бабушкин кўчаси, 4).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
пайвандлаш ишлаб чиқариши технологияси, саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари, электротермик қурилмалар ишлаб чиқариши, савдо ва умумовқатланиш корхоналари машиналари ва ускуналари, холодильник-компрессор машиналари ва қурилмалари, контроль-ўлчов асбоблари ва приборлари ишлаб чиқариши.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:
электр станциялари, тармоқлар ва системалар, пайвандлаш ишлаб чиқариши технологияси, саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари, металларни қирқиш йўли билан ишлаш электр аппаратлари ишлаб чиқариш, кабель ва симлар ишлаб чиқариш, ярим ўтказгич асбоблар ишлаб чиқариш.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:
саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари, холодильник-компрессор машиналари ва қурилмалари, пайвандлаш ишлаб чиқариш технологияси.

ҚЎҚОН КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Карл Маркс кўчаси, 45)

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:
биноларни техник жиҳатдан эксплуатация қилиш, газ хўжалиги, сув таъминоти, саноат ва оқар сувларни канализация қилиш ва тозалаш, водопровод ва канализация тармоқлари ҳамда иншоотлари қурилиши, коммунал хўжалиги корхоналарида планлаштириш, электр станциялар, тармоқлар ва системалар.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:
биноларни техник жиҳатдан эксплуатация қилиш, водопровод ва канализация тармоқлари ҳамда иншоотлари қурилиши, электростанциялар, тармоқлар ва системалар

ОҲАНГАРОН КОН-ГЕОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

(Комсомол кўчаси, 1).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
Фойдали қазилмалар геологияси, уни қидириш ва разведка қилиш, фойдали қазилмаларни қидириш ва разведка қилишнинг геофизик методлари, гидрогеология ва инженерлик геологияси, фойдали қазилмаларни разведка қилиш техникаси, фойдали қазилмаларни очиқ усулда ишлаш, қозон ва буғ турбиналари қурилмалари.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:
фойдали қазилмалар ўрнини очиқ усулда ишлаш, тоғ электромеханикаси.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:
фойдали қазилмалар ўрнининг геологияси, уни қидириш ва разведка қилиш, фойдали қазилмалар ўрнини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик методлари, фойдали қазилмаларни очиқ усулда ишлаш, тоғ электромеханикаси, қозон ва буғ турбиналари қурилмалари.

(СССР олий ўқув юртларига қабул қоидаларини газетанинг 3/VI сонидан ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қоидаларини газетанинг 8/VI сонидан қаранг).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИНИНГ ЎРТА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Тошкент шаҳри, Парашютная кўчаси, 17)

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:
агрономия, агрохимия, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ер тузишни.

Техникум агрономлар, агроном-агрохимиклар, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича агрономлар, ер ўлчовчи техниклар тайёрлаб чиқаради.

ТОШКЕНТ БУХГАЛТЕРИЯ-УЧЕТИ ТЕХНИКУМИ

(Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси. 9).

КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ ЎҚИШГА:
қишлоқ хўжалиги ишлаб яқаришида бухгалтерия учёти, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида планлаштириш.

ЧИНОЗ СОВХОЗ ТЕХНИКУМИ

(Олмазор станцияси, Тошкент области, Янгийўл райони)

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, чорвачилик, ветеринария ва зоотехния.

СИРДАРЁДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(«Малик» совхози)

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш.

«ПАХТАОРОЛ» СОВХОЗ ТЕХНИКУМИ

(Сирдарё областидаги «Ильич» посёлкаси).

Агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

ТОШКЕНТ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Оржоникидзе районидаги Шредер номидаги илмий-текшириш институти).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
мева-сабзавотчилик, ўрмон хўжалиги, шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларни ўкаламзорлаштириш.

ТОШКЕНТ ПАРРАНДАЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Тошкент областидаги Оржоникидзе райони)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
чорвачиликдаги оғир қўл меҳнати талаб этадиган процессларни механизациялаштириш.

БЎКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(Бўка райони).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

ФАРҒОНА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКУМИ

(Фарғона области, Охунбобоев райони, «Ленинизм» колхози).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:
агрономия, бухгалтерия учёти.

ҚЎҚОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(Горький кўчаси, 28-а)

қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш.

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(Холдевонбек қишлоғи).

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

НАМАНГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКУМИ

(Пролетар кўчаси, 10)

агрономия, ипакчилик, ветеринария, зоотехния, бухгалтерия учёти.

САМАРҚАНД МЕХАНИЗАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Красноармейское шоссе, 79)

қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, товароведлик, моддий-техника таъминоти.

САМАРҚАНД ЗООВЕТЕРИНАРИЯ ТЕХНИКУМИ

(Возрождение кўчаси, 8).

ветеринария зоотехния, қоракўлчилик, асаларичилик.

САМАРҚАНД МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Октябрь кўчаси, 12).

агрономия, мева-сабзавотчилик, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия учёти, ўсимликларни ҳимоя қилиш.

ШЕРОБОД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(Қашқадарё области, Шеробод райони, «Комсомолобод» совхози)

қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш.

БУХОРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Ленин кўчаси, 282)

агрономия, зоотехния, ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

ХИВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Тозабог кўчаси, 21)

қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, зоотехния, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия учёти.

НУКУС ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

агрономия, ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бухгалтерия учёти.

* * *

Ўрта ўқув юртларига ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқувчилардан аризалар 1 июндан 31 июлгача, кириш имтиҳонлари 1 дан 20 августгача олинади, машғулот 1 сентябрдан бошланади.

Сиртқи ўқувчилардан аризалар 1 октябрдан 30 ноябргача, кириш имтиҳонлари 10 октябрдан 30 ноябргача олинади.

Аризалар ўрта махсус ўқув юрти директори номига мутахассислик кўрсатилгани ҳолда берилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат, (асл нусха), автобиография, 286-медицина справкаси, 3 та фото сурат (3/4 см).

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.55 — Озодалик — саломатлик гарови (рус.), 8.25 — Қўшиқлар, 9.30 — Симфоник рақс куйлари, 9.50 — «Ишлаш, резерв, план» (тож.), 10.30 — Концерт, 11.10 — Ажойиб пропагандистлар, 11.20 — Концерт, 12.15 — Спорт эшиттириши, 12.30 — Ғарб операларидан парчалар, 13.00 — Чорвадорлар учун, 13.30—Енгил грузин куйлари, 14.00 — Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун, 16.15 — Адабий-мусиқали композиция, 18.10 — «Инсон ва замон» (адабий эшиттириш), 18.30 — Ўзбек балетларидан парчалар, 19.20 — Қорақалпоқ куйлари, 20.00 — «Ишлаб чиқаришнинг ўсиш резервлари» (рус.), 20.10 — Чет эл куйлари, 20.45 — Атеистлар вазифаси, 21.20 — Озодалик — саломатлик гарови, 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — Концерт (янги Тошкентни қурувчилар учун). 22.40 — «Қалбда Ленин номи билан» (рус.), 23.20 — Қўшиқлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Мушук — сичқон** (болалар учун мультфильм), 18.30 — **Биз Тошкентда яшаймиз ва ўқиймиз** («Ёшлик» студияси), 19.10 — **Вьетнам, биз сен билан** (ҳужжатли фильм), 19.20 — **Тенгширилди, миналар йўқ** (бадиий фильм).

20.45 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.50 — **Телевизион янгиликлар**, 21.10 — **Концерт** (қардош республика композиторлари асарларидан). 21.50 — Довюрак Шарофат («Ёшлик» студияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **Болалар учун.** 19.25 — **Тошкент янгиликлари.** 19.35 — **Мен кетяпман** (илмий-оммабоп фильм), 19.55 — **Замондош** (телесюжет), 20.15 — **Монтевидеода** (телефильм).

Рус тилида: 20.25 — **Ҳужжатли фильм**, 20.45 — **Гимнастика** (СССР кубоги учун), 21.05 — **Шкипер Ген неваралари** (ҳужжатли фильм), 21.15 — **Тошкент янгиликлари** 21.25 — **Қурилиш янгиликлари** (илмий-оммабоп фильм), 21.35 — **Тинчлик кунларида** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Алданган ва ҳўрланган — САНЪАТ САРОЙИ, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3, 4 ва кеч 9 да).

Етти азамат — «СПУТНИК», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Тайга десанти — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Жунгли қизи — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

«Тобаго» йўлини ўзгартади — «ЮЛДУЗ» (кеч соат 7 ва 9 да).

Денгиз мушуги — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11 ва кеч 10 да).

Конёк-Горбунок — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда).

Етти азамат — «ВАТАН», «ХИВА», ПУШКИН номли.

Алданган ва ҳўрланган — «ФЕСТИВАЛЬ», СТЕПАН РАЗИН номли.

Бир фирибгар бўлган экан — «УДАРНИК».

Тайга десанти — КАФАНОВ номли.

Куз ҳали узоқ — «ПАХТАКОР».

Эшик тутқичли комедия — СТЕПАН РАЗИН номли.

Ошпаз хотин — «РАКЕТА».

Гангстерлар ва филантроплар — «ОҚТЕПА».

№ — 133. Индекс 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 08504.